




Н. В. ГОГОЛЬ

**РОЖДЕСТВО
АРАФАСИДАГИ
ТУН**



Ўзбекистон АҚМ Марказий Комитети
«ЕШ ГВАРДИЯ» нашриёти
Тошкент — 1980



Русчадан Наби Алимұхамедов
таржимаси

ИККИНЧИ НАШРИ

Рожествога бир кун қолган эди, у ҳам ўтди. Булутсиз қиш кечаси бошланди. Юлдузлар чарақлаб чиқди. Ой ҳам, яхшиларнинг йўли ёрисин, олам рўшно бўлсин, ҳамма шодхурсанд қувониб ёрамазон¹ айтсин, Исо алайҳиссаломга мадҳ ўқисин, деб осмонга виқор билан кўтарилди. Совуқ кундузгидан кучлироқ. Аммо, шун-

¹ Бурунги вақтда Украинада «Колядка» айтиш одати бор экан. Бу бизнинг «ёрамазон»га ўхшаб кетганидан уни «ёрамазон» деб таржима қилдик. (Т а р ж.)

«Бизда эртага рождество деган кун кечкурун одамларнинг эшигига бориб қўшиқ айтишни колядовать дейдилар. Уйнинг эгаси колядка айтиб келган кишининг тўрвасига колбасами, нонми, ёки чақами, ишқилиб, ҳар ким топганини ташлайди. Бир замонларда Колядка, деган бир тентак ўтган экан, уни авлиё ҳисоблаган эканлар. Колядка айтиш шундан қолган экан. Ким билсин, ростми, ёлғонми? Буни муҳокама қилиш биздек нодонларнинг иши эмас. Ўтган йили Осип ҳазрат, колядка айтиш, шайтонни шарафлаш билан тенг, деб таъқиқламоқчи бўлган экан. Аммо тўғриси айтганда, колядкада бояги Колядка ҳақида бир оғиз ҳам сўз йўқ. Кўпроқ Исонинг туғилгани тўғрисида қўшиқ айтадилар, кейин охирида уйнинг эгасини унинг бола-чақаларини дуо қилдилар». Аричининг шарҳи. (Гоголь изоҳ).

дай сокинлик эдики, оёқ остидаги қорнинг ғарчиллаши ярим чақиримдан эшитиларди. Успиринлар ҳали дераза тагида тўпланишганлари йўқ. Ёлғиз ойгина ясанган қизларни ғарчиллама қорга тезроқ чиқинглар, деб чақираётгандай дарчалардан мўраларди. Бир уйнинг мўрисидан бурқираб тутун чиқиб, осмонга кўтарилди, тутун ичида супурги минган ялмоғиз ҳам осмонга чиқиб кетди.

Агар шу пайтда сорочинлик суд маслаҳатчиси фуқарога қарашли отлардан учтаси қўшилган аравада, сарвоз йигитларникидек қундузи телпак, адипига қора барра тикилган пўстин кийиб, тўқима қамчинини силкитиб ўтиб қолса, дарҳол ялмоғизга кўзи тушган бўларди, чунки дунёдаги бирорта ҳам ялмоғиз унинг назаридан қочиб қутулолмаган. Қайси беканинг чўчқаси нечта туқанини, кимнинг сандигида қанча бисоти борлигини, сахий киши улуғ байрам кунда бисотидан, рўзғоридан нимасини олиб чиқиб арақхонага гаров қўйишини ҳам билади. Аммо сорочинлик суд маслаҳатчисининг йўли бугун буёққа тушмади, тушганда ҳам, бошқалар билан унинг нима иши бор, ўзининг ташвиши кўп. Аммо ялмоғиз шундай баландга чиқдики, пастдан қора доғга ўхшаб кўринди. Доғ осмоннинг қаерига борса, юлдузлар бирин-сирин ғойиб бўлаверди. Ялмоғиз бирпасда енгини юлдузга тўлдириб олди. Осмонда уч-тўрттагина юлдуз қолди, холос. Шу пайт нариги томондан ҳам қора доғ пайдо бўлиб, чўзилиб, бирпасда улғайиб кетди. Шабкўр одам кўзойнак эмас, комиссар аравасининг ғилдирагини бурнига тақиб олса ҳам бу нарсанинг нималигини билолмас эди.

Олдидан қараганда немис¹нинг худди ўзи: бир зум тек турмасдан нимани кўрса ҳидлайдиган тумшуғи

¹ Французми, руминми, шведми, ишқилиб, бошқа юртдан келганларнинг ҳаммасини бизда немис, дейдилар. (Н. В. Гоголь и з о ҳ и).

чўчқанинг тумшуғига ёки думалоқ чақага ўхшарди, оёқлари чиллакдай: агар Ярески¹ қишлоғи даъвошисининг оёқлари шунақа бўлса, бир ўйин тушишда синар эди. Аммо орқасидан қараганда мундир кийган губернатор стряпчий²нинг худди ўзи эди, чунки ҳозир расм бўлган мундирнинг орқа томонида узун ва ингичка этаги бўлганидек, унинг ҳам ингичка, узун қўйруғи бор эди. Фақат ияги тагида осилиб турган такасоқоли, бошидаги шохчаси, мўри тозаловчидан баттар қоралиги, унинг немис ҳам эмас, губернатор стряпчийси ҳам эмас, балки ёруғ дунёда охириги кун тентираб, яхшиларни йўлдан оздириб юрган, эртага эрталаб қўнғироқлар чалиниши билан думини қисиб, орқасига қарамасдан жаҳаннамга кириб кетадиган шайтоннинг ўзгинаси эканини кўрсатиб турарди.

Бу орада шайтон ойни ўғирлаш пайида секин-секин келаверди, қўлини узатиб, ойни ушламоқчи ҳам бўлди-ю, лекин қўли куйгандек, тортиб олди, бармоғини оғзига тиқиб сўрди. Кейин нариги томондан келиб ушламоқчи бўлди, тагин қўлини тортди. Аммо айёр шайтон шунча панд еса ҳам, сира тинчимасдан, шайтонлигини қилаверди. Югуриб келиб, икки қўли билан ойни ушлаб олди; чилим чекмоқчи бўлган одам чўғни қўлидан қўлига олиб, уф-уфлагандек, у ҳам афти башарасини бужмайтириб, ойни у қўлидан-бу қўлига олиб совутгандай бўлди-да, дарров чўнтагига солиб, ҳеч нарса кўрмагандек югурганча кетаверди.

Шайтон ойни ўғирлаб кетганини Диканькадагиларнинг ҳеч қайсиси сезмади. Лекин бўлус мирзаси арақхонадан эмакляб чиқаётганида осмондаги ой бирдани-

¹ Ярески — Полтава губерняси. Миргород уездидаги бир қишлоқ.

² Стряпчий — Рўзғор ишларини олиб борувчи сарой ходими.

га қимирлаб ўйинга тушиб кетганини кўрган экан: азбаройи худо, деб қасам ичса ҳам қишлоқдагиларнинг ҳеч қайсиси ишонмасдан, уни масхара қилиб кулдилар. Аммо шайтоннинг бундай қонунга хилоф иш қилишининг бониси нима? Сабаби бор эди: бой Чубни мунши меҳмондорчиликка чақирганини билар эди. Бу меҳмондорчиликка даъвошидан бўлак муншининг қариндоши, черковда ниҳоят даражада йўғон овоз билан ҳофизлик қилувчи кўк сюртук кийган ҳофиз, яна казак Свербигуз ва яна бир неча киши чақирилган эди. Бу меҳмондорчиликда рожество оши — майиз солиб пиширилган гуручдан бўлак яна заъфар қўшилган арақ ва бошқа турлитуман лазиз овқатлар бўладиган эди. Отаси меҳмондорчиликка кетганда бутун қишлоққа гўзаллиги билан номи кетган қизи уйда ёлғиз қолади. Ёлғиз қолган қиз олдига норғул азамат темирчи йигит келса керак. Шайтон уни Кондрат бузрукнинг хутбаларидан ҳам баттар ёмон кўради. Темирчи ишдан бўш вақтларида сураткашлик ҳам қиларди ва бу атрофда ундан уста наққош йўқ эди. Юзбоши Л... ко-нинг ўзи, тириклигида уни Полтавага чақириб, ҳовлисининг тахта деворини бўятдирган эди.

Диканька қишлоғидагиларнинг карам шўрва ичадиган товоқларини ҳам шу темирчи бўяган эди. Темирчи художўй одам бўлиб, кўпинча азиз-авлиёларнинг суратларини чизар эди. Т... даги бутхонада темирчи чизган, нижл ёзган Луканинг сурати ҳали ҳам бор. Аммо темирчи бутун ҳунарини бутхонанинг ўнг томонидаги ҳужра деворига солган суратда кўрсатганди. Бунда қиёмат куни қўлида бир шода калит билан дўзахдан шайтонни ҳайдаб чиқазаётган авлиё Петрнинг тасвирини солганди. Шайтон куни битганини билиб, қўрққанидан ўзини ҳар тарафга урар, дўзахдаги гуноҳкорлар қамчинми, палёнми, ишқилиб қўлларига нима тушса шу билан

уриб қувлар эдилар. Наққош бу суратни катта тахтага солаётганда шайтон унга қўлидан келганича халақит берди. Қўлидан туртиб, босқон остидаги кулни тўзитиб сурати устига сочар эди. Лекин шайтоннинг бу ғаламислигига қарамай суратни чизиб бўлиб, тахтани черковни деворига қоқиб қўйган эди. Ана шундан бери шайтон ундан ўч олмоқчи бўлиб яниб юрарди.

Ёруғ дунёда яна бир кунгина изғиши қолди; бир кун қолган бўлса ҳам, шу кеча темирчидан бир илож қилиб аламини олмоқчи бўлди. Шунинг учун борадиган жойи анча узоқ бўлганидан, кекса Чуб эриниб бормасин, деган мақсадда бу ишларни қилган эди. Муншиникига қишлоқни ёнлаб, тегирмондан, гўристондан ўтилгач, жарлиқдан айланиб борилар эди. Ойдин кечада заъфар солинган арақ ва меҳмондорчилик уни тинч қўймаган бўларди. Аммо бундай қоронғи кечада бирорта одам уни печкасидан тушириб, уйдан чиқазолмаса керак. Аввалдан Чуб билан чиқишмайдиган темирчи зўр бўлгани билан ота борида қизнинг олдига боришга юраги дов бермасди.

Шундай қилиб, шайтон ойни чўнтагига солиши билан оламни шундай зулмат босдики, унақа-бунақа одам муншиники уёқда турсин, арақхонани ҳам тополмас эди. Ялмоғиз бирданига қоронғида қолиб чинқириб юборди. Шайтон дарров йўрғалаб келиб унинг тирсагидан ушлади-да, одатда хотин зоти қулоғига қандай шивирланса у ҳам ялмоғизнинг пинжига кириб, шундай шивирлаб кетди. Дунёнинг ишлари ғалати-да! Оламдаги махлуқларнинг бариси бир-бирининг қилиғини ўрганишга, бир-бирини эрмак қилишга уринади. Бурун Миргородда судья билан шаҳар ҳокимигина қишда мовут қопланган калта пўстин кияр эдилар, бошқа майда-чуйда амалдорлар тери пўстин киярдилар. Энди бўлса, судъ аъзоси ҳам, даҳа судъяси ҳам барра теридан янги пўстин тик-

дириб, мовут қоплатиб олибдилар. Дафтарчи билан бўлус мирзаси ҳам бурноқ йили кўк хитой матонинг газини икки миридан олибдилар. Пономарь¹ бўлса катак-катак матодан ёзлик чолвор, йўл-йўл жун матодан камзул тикдирибди. Хуллас, ҳамма одам қаторига кирмоқчи бўлади. Бу одамлар қачон тинчишаркин. Бао боғлайманки, шайтон ҳам ўзини одам қаторига қўшганини кўрсалар, кўплар ҳайрон бўладилар. Ҳаммадан ёмон таъсир қиладиган жойи шуки, шайтон ўзини жуда кўҳлик деб ўйлар, ҳолбуки кўрган одамнинг кўнгли айнир эди. Фома Григорьевич айтгандай, башараси таъвия-ю, аммо, шайтон ҳам муҳаббатни қўмсайди! Бироқ, осмону ерни шундай қоронғилик босдики, ялмоғиз билан шайтон ўртасида кейин нима гаплар ўтганини сира кўриб бўлмади.

Чуб уйидан чиқаркан, қотмадан келган, новча, калта пўстин кийган, мужиклар соқол қирадиган чалғи синиги икки ҳафтадан бери бетига тегмаганидан соқоли ўсиб кетган кишига:

— Ҳали, оға, муншининг янги уйини кўрганим йўқ, дегин? Бугун у ерда яхшигина майхўрлик бўлади! — деди-да, оғзи қулоғига еткудек илжайди. — Ишқилиб кеч қолмасак бўлгани...

Чуб шундай деб, пўстини устидан маҳкам боғлаб олган белбоғини ростлади, бошидаги телпагини бостириб кийди, хира итларнинг кушандаси бўлган қамчини дастасини маҳкамроқ ушлади, лекин шу пайт осмонга қараб тўхтади...

— Нима бало! Уни қара! Уни қара, Панас!..

Оғайниси: «Нима?» деб сўради-ю, у ҳам бошини кўтариб юқорига қаради.

¹ Пономарь — православ черковида жом чалувчи.

— Ниманг нимаси, ой ғойиб бўлибди.

— Нима бало бўлди? Ҳақиқатан ой йўқ-ку.

Чуб, оғайнисининг бепарволигидан хафа бўлиб:

— Ҳамма гап йўқлигида-да, парвойи палаксан-а, — деди.

— Қўлимдан нима келарди!

Чуб энги билан мўйловини артаркан, гапини давом этдирди:

— Нонуштага бир рюмка арақ насиб қилмагур қандай шайтон аралашибди-я!.. Худди масхара қилгандай-я... Уйда ўтирганимда атайин ойнадан қараганидим! Жуда яхши ҳаво эди. Ёп-ёруғ, қор ойдинда йилтирар эди. Куппа-кундузидек ҳамма нарса равшан кўриниб турувди. Эшикдан ташқарига чиқар-чиқмас оламини қоронғилик босди!

Чуб жавраркан, муншиникига борайми, бормайми деб анчагача ўйланиб турди. Бориб уёқдан-буёқдан ҳангома қилиб ўтиргиси бор. Даъвоши билан қалъалик ҳофиз аллақачон келиб ўтиришгани аниқ; ҳар ўн беш кунда Полтавага қатнаб турадиган аскиячи мойфуруш ҳам аллақачон боргандир. Бу киши гап бошлаганда атрофидагилар ичаги узилгудек бўлиб кулишарди. Чуб дастурхондаги арақни ҳам хаёлан кўриб турибди. Бу унинг нафсини қитиқлар эди-ю, лекин тун қоронғиси ҳамма казакларга тааллуқли бўлган ялқовликни ҳам қўзғатар эди. Сўрига чиқиб, ёнбошлаб трубка чеккан, дарча тагига тўпланишиб ўйин-кулги қиладиган йигит ва қизларнинг қўшиқларини эшитиб мудрагани яхши эмасми! Агар ёлғиз ўзи бўлса-ку, албатта уйда маза қилиб ўтирарди-я, лекин икки киши қоронғида юришдан қўрқишмайди ва зерикишмайди ҳам. Бунинг устига, бошқалар олдида ўзини қўрқоқ ва ялқов қилиб кўрсатгиси келмади. Жавраб бўлиб, ҳамроҳига қараб:

— Шундай қилиб, ой йўқми? — деб сўради.

— Йўқ.

— Таажжуб-а! Қани, тамакингдан ол, ҳидлайлик! Тамакинг жуда яхши-да! Қаердан оласан?

— Қаёқда яхши! — деди ҳамроҳи гулдор тамаки қутисини ёпаркан. — Қари товуққа ҳам таъсир қилмайди!..

— Эсимда, марҳум арақфуруш менга Нежиндан тамаки келтириб берган эди, хўп тамаки эди-да! Ниҳоятда яхши эди! Хўш, оғайни, нима қиламиз, жуда қоронғи-ку... — деб Чуб яна ўша зайлда гапирди.

Ҳамроҳи эшикнинг тутқичини ушлаган жойида:

— Бўлмаса, бормай қўя қоламиз, — деди.

Агар оғайниси қоламиз демаса, Чуб бормас эди, аммо, энди қайсарлиги тутиб.

— Йўқ, оғайни, бормасак бўлмайди! — деди.

Айтди-ю, дарров айтганига пушаймон қилди. Бундай тунда сира боргиси келмасди. Аммо, бировнинг маслаҳатига кирмай ўз билганини қилиб, кажлигини кўрсатганлигига хурсанд эди.

Оғайниси, уйда ўтирадим, кўчага чиқадими, унга бари бир бўлганидан, чеҳрасида ҳеч бир пушаймон аломатини кўрсатмай бепарволик билан атрофга қараб қўйгач, қамчи дастаси билан елкасини қашиб қўйди-да, кейин иккови йўлга тушишди.

Энди гўзал қиз уйда ёлғиз қолиб нима қилаётганини кўрайлик. Оксана ҳали ўн етти ёшга тўлмаган, лекин Диканьканинг уёғида ҳам, буёғида ҳам ҳамманинг оғзида у. Оксанадек қиз қишлоқда сира бўлмаганлиги ва бундан кейин ҳам бўлмаслиги тўғрисида йигитларнинг бариси яқдил эди. Оксана ўзи ҳақидаги гапларни эшитган, билганидан, ўзини мағрур тутиб, ноз-карашма қилар эди. Агар тивит юбка, чит пешбанд киймай, тузукроқ узун кўйлак кийса, ҳамма қизларни йўлда қолдириб кетар эди. Йигитлар гала-гала бўлиб унинг кетидан

юришар, умидлари пучга чиққач, бошқа, унчалик кеккаймайдиган қизлар билан бўлиб кетардилар. Битта шу темирчи умидини узмай, қизнинг кетидан ўжарлик қилиб юраверарди. Қиз рўйхуш бермасдан, бошқаларга қилган муомаласини қилса ҳам, у ўз билганидан қолмасди.

Отаси чиқиб кетгандан кейин, қалай гардишли кичкина ойнага қараб, анчагача ўзига зеб берди.

Ўз-ўзи билан шунчаки гаплашмоқчи бўлиб, паришонлик билан аксига қараганча: «Одамлар менинг нимами мақтайдилар! Бекор айтадилар, кўхлик эмасман!» — деб қўйди. Аммо ойнада кўринган анордек юз, ундаги қора кўзлар, кўнгилга ўт солувчи ажабтовур чиройли табассум, бунинг тескарисидан далолат қиларди. Гўзал қиз қўлидан ойнани қўймай: «Қора қошим ва кўзимнинг дунёда мисли йўқми? Қанқайган бурнимнинг нимаси яхши? Бетимнинг, лабимнинг нимаси яхши? Қора сочимни яхши дейдилар!? Ваҳоланки, уни кечаси кўрган одам кўрқиб кетади. Қора чағир илондек бошимни ўраб, чулғаб олибди. Энди билсам, менда гўзалликдан асар йўқ!» деб, ойнани нари суриб қўйди-да, қичқирди: «Йўқ, чиройлиман! Вой, қандай аломат ҳусним бор! Малакман! Менга уйланган йигит бахтли бўлади! Эрим ҳуснимга қараб тўймайди! Эсини йўқотиб, ўпавериб ўлдириб қўяр».

Оҳистагина кириб келган темирчи секин шивирлади:

— Ажойиб қиз! Мақтаниши ҳам ҳазилакаммас! Бир соатдан бери ўзини ойнага солиб томоша қилади-ю, тўймайди, тагин ўзини-ўзи мақтаб ҳам қўяди!

Зебо қиз нозланиб ҳануз ўз-ўзи билан гаплашарди:

— Ҳой, йигитлар, сизга тенгманми мен, менга қаранг, хиромон юришимга боқинг, кўйлагим қизил ипак матодан. Бошимдаги ленталаримни қаранг! Бундай зарбоп матоларни кўрмоқ сизга умрбод насиб бўлмас! Қалли-

гим ер юзидаги энг мард йигит бўлсин, деб отам олиб берган буларни! — Жилмайиб қайрилиб ёнига қараши билан кўзи темирчига тушди.

Қичқириб, хўмрайиб йигитнинг рўпарасида тўхтади.

Темирчи сўррайиб, қўллари шалвираб турарди.

Гўзал қизнинг қорачадан келган кўҳлик юзи қандай туйғуларни изҳор қилаётганини билиш қийин эди. Унинг чеҳрасида қаҳр билан бирга, ўзини йўқотиб қўйган тақачини майна қилиш ҳам бор. Ҳафсаласи пир бўлиб юзи сал қизаринқираб товланди. Бу унинг ҳуснини шундай очдики, таърифга сиғмай кетди. Шу пайтда темирчи уни миллион мартаба ўпиб-ўпиб олмоқдан ўзини зўрға туйиб қолди.

— Нега келдинг? — деди гап бошлаб Оксана. — Қўлимга курак олиб ҳайдайми? Хўп уста бўлибсиз-да ҳаммангиз шилқимликка! Отамиз уйда йўқлигини дарров фаҳмлай қоласиз. Сиздақаларни яхши биламан! Сандиғим битдими?

— Жоним, битиб қолди, ҳайитдан кейин битади. Қанча овора бўлганимни билсанг эди! Икки кеча устахонамдан чиқмадим. Аммо бирорта ҳам роҳибнинг қизида йўқ сандиқ қилиб бераман-да! Қопламасига шундай темир қилдимки, Полтавага ишлагани борганимда юзбошининг аравасига ҳам бундай асил темир қопламаган эдим. Нақшини шундай чиройли ясаепманки! Оппоқ оёғинг билан бутун юртни айланиб чиқсанг ҳам бундайини тополмайсан! Атрофида қизил, кўк рангдаги гуллар бўлади. Менга жабр қилма! Бирпас гаплашиб ўтиришга, ҳуснингни томоша қилишга рухсат эт!

— Ким сенга йўқ деди, гаплашавер, томоша қилавер!

Қиз курсига ўтириб яна ойнага боқди, ўзига оро бериб, сочини тузатди. Бўйнига, ипак гул солиб тикилган кўйлагига қараб қўйганида, лаъл лабида, анордек бетида, шаҳло кўзида ўзидан завқланиш зоҳир бўлди.

— Енингда мен ҳам ўтирсам майлими? — деди темирчи.

— Ўтир, — деди Оксана чиройини бузмай, юз-кўзидаги шодонликни сақлаб.

— Гўзал Оксана, карам қил, бир ўпай! — деди-ю, темирчи ўзини дадил тутиб, қизни ўпмоқчи бўлиб, оғушига тортиб қучоқлади. Аммо Оксана темирчининг лабларига яқин келиб қолган бетини опқочиб, уни итариб юборди.

— Тағин нималар истайди кўнглинг? Асал бергач, қошиқ ҳам бер, дейсанми! Йўқол, қўллари темирдан баттар. Ўзингдан ҳам тутун ҳиди келади. Ҳамма еримни қоракуя қилган бўлсанг керак.

У яна ўзини ойнага солиб ўзига оройиш берди.

Темирчи бошини ҳам қилиб, ичида: «У мени яхши кўрмайди, у ҳеч кимни назар-писанд қилмайди, мен бўлсам унинг олдида аҳмоқ бўлиб, кўзимни ундан узмасдан мўлтайиб ўтирибман. Тикилиб тураверардим, юз йил бўлса ҳам кўзимни олмасдим! Аломат қиз! Кўнгли кимдалигини, кимни севишини билолсам, ҳар нарса деса берардим. Аммо у ҳеч кимни ёқтирмаса керак, ўзига ўзи шайдо. Мен бечорани қийнайди, мен шўрлик унинг кўйида куяман, рўшнолигим йўқ, унга муҳаббатим шунчаликки, дунёда ҳеч ким бировни мендек севган эмас, бундан буён ҳам севмайди!» — деб ўйлади.

— Сенинг онанг ялмоғизмиш, ростми? — деб кулиб юборди Оксана. Темирчининг назарида бутун ич-таши кулиб юборгандек бўлди. Бу кулги бирваракайига кўнглига ҳам, оҳистагина жимирлашиб кетган қон томирларига ҳам таъсир қилгандай бўлди ва бундай ёқимтой кулган бетдан ўполмагани алам қилди.

— Онам билан нима ишим бор? Онам ҳам, отам ҳам, бу дунёда нимаики менга азиз бўлса, ҳаммаси сен-сен, Агар подшо мени чақириб; темирчи Вакула, менинг дав-

латимда нимаики яхши нарса бўлса сўра, ҳаммасини бераман. Олтиндан сандон, кумушдан болға қилдириб бераман, деса, йўқ, керакмас, қимматбаҳо жавоҳирлар ҳам, олтин сандон ҳам, мамлакатинг-у, юртинг ҳам менга керакмас. Оксанамни берсанг бўлгани, дердим!

— Вой, сени қара-ю! Бироқ, отам ҳам хўп анойи эмас, онангни олмаганини кўрасан,— деб Оксана айёрлик билан кулиб қўйди. — Нега қизлар ҳалигача келмаяптилар-а... Нима бўлди экан? Рамазон айтадиган вақт бўлиб қолди. Зеркиб кетаётибман.

— Гўзалим, қўйсанг-чи, худо ўзи ёр бўлсин уларга!

— Нега энди! Улар билан йигитлар ҳам келишади! Ана ўшанда ўйин бўлади-да. Ҳали қандай қизиқ нарсалар гапириб беришади!

— Улар билан бўлсанг хурсандмисан?

— Албатта, сендан кўра улар билан яхши-да! Э, шошма! Биров тақиллатди, қизлар билан йигитлар келишди шекилли.

«Энди нима умидим қолди. Мени майна қилса, унинг олдида занглаган тақачалик қадрим йўқ. Лекин ўзимни бошқаларга масхара қилдириб қўймайман. Унга мендан кўпроқ ёққан йигитни билсам, таъзирини бериб қўяман...» деди ўз-ўзига темирчи.

Эшикнинг қаттиқ тақиллагани, совуқда қулоққа нохушроқ эшитилган «оч» деган овоз унинг хаёлини қочирди.

Аламига чидолмаган темирчи, дуч келган одамнинг оч биқинини тешаман, деган ниятда «тура тур, ўзим чиқиб очаман», деб эшикка чиқди.

□

Совуқ зўрайиб, осмон шундай совиб кетдики, шайтон музлаб қолган қўлини сағал иситиб олмоқ учун,

туёғида сакраб, муштумига куҳ-куҳларди. Эртадан кечгача дўзахда юргач, бу совуқда қотмасдан бўладими? Дўзахда бизнинг қишимиздагидек совуқмаслигини биласиз. Дўзахда бўлса шайтон қалпоғини кийиб олиб, баковулбошидек ўчоқ тепасига миниб олиб, гуноҳкорларни қовургани-қовурган эди. Хотинлар байрамда қандай меҳр билан колбаса қовурсалар, шайтон ҳам гуноҳкорларни шундай иштаҳа билан қовурарди.

Қалин кийинганига қарамай, ялмоғиз ҳам тўнгиб қолди. Шунинг учун, яхмалак отаётган одамдек икки қўлини тепага қилиб, оёқларини керганича, ҳеч бир бўғинини қимирлатмай, ҳаводан пастга тушди, худди муз тепадан сирғаниб тушгандай ғизиллаб тушди-ю, тўппатўғри мўрига кириб кетди.

Шайтон ҳам шу зайлда унинг кетидан тушиб кетди. Аммо бу ҳайвон ҳар қандай олифтадан ҳам эпчил бўлганидан, мўрининг оғзидаёқ, маъшуқасининг елкасига миниб олиб, бирпасда иккови кенг печканинг ичига тушиб, кўзачалар орасига кириб қолишди.

Сайр қилиб қайтган ялмоғиз, ўғлим Вакула уйга меҳмон-пеҳмон олиб келмадимикин, деб печканинг қопқоғини суриб мўралади. Уйнинг ўртасида ётган қопдан бошқа ҳеч ким йўқлигини билиб печкадан чиқди, устидаги пўстинини ечиб, ўзини ростлаб олди, энди уни кўрган одам ҳалигина супурги миниб юрган ялмоғизлигини билмас эди.

Темирчи Вакуланинг онаси қирқдан ошмаган, чиройли ҳам эмас, хунук ҳам эмас эди. Қирқ ёшда чиройли бўлмоқ ҳам қийин. Аммо у ҳар қандай сипо эрқакни ҳам ўзига ром қилиб олишга уста эди (аммо буларнинг хушрўйлик билан унча ишлари йўқ эди, буни айтиб қўйсак ёмон бўлмайди), шунинг учун даъвошидан тортиб мунши Осип Никифоровичгача (албатта, хотини уйда бўлмаса) казаклардан Корний Чуб, Қасьян Свєрбигуз-

гача ҳамма уникага кириб турар эди. Унга қойил бўлмоқ керакки, буларнинг барисига жуда усталик билан муомала қилар, ҳеч қайсиси рақиб борлигини кўнглига ҳам келтирмас эди. Художўй фақир мужикми, ёки мовут чаймон кийганлари учун ўзларига асилзода номини қўйиб олганларми, ёки якшанба куни бутхонага, ҳаво ёмон бўлса арақхонага бора туриб, қаймоқ билан мазали чучвара егани, иссиққина уйда меҳмондўст хотин билан ҳангомалашгани Солоханикага албатта кириб ўтарди. Асилзода арақхонага кета туриб, атайин йўлни айланиб ўтса ҳам, йўлакай кирдим, дер эди. Ҳайит куни Солоха хитойи ипак кофта ва орқасига зар уқа қадалган кўк юбкасини кийиб, ясениб черковга келганда ҳаммадан олдинга ўтиб, шундоққина меҳроб тагига бориб турсами, мунши албатта бир йўталиб қўйиб, кўзининг қири билан унинг томонига қараб қўяр эди. Давоши мўйловини силаб, сочини қулоғи ортига олиб қўйиб, ёнида турган қўшнисига имо қилиб: «Ажойиб аёл-да! Шайтоннинг ўзгинаси!»— деб қўярди.

Солоха ҳамма билан саломлашар, аммо уларнинг ҳаммаси ёлғиз мен билан саломлашяпти, деб ўйлар эдилар. Лекин ҳамма гапдан воқиф бўладиган кишилар, Солоха ҳаммадан кўра Чубга кўпроқ илтифот қилганини дарров фаҳмлар эдилар. Чуб бева эди, уйининг олдида доим саккиз ғарам бугдой турар эди. Новдадан тўқиб тўсилган оғилхонада турган икки жуфт ҳўкизи сигирни ёки семиз буқани кўриб қолса, бошини чиқазиб, мў-ў-лаб қўяр эди. Соқолли эчкиси томга чиқиб олиб, ҳовлидаги куркаларни масхара қилгандай, шаҳар бошлиғига ўхшаб маърар, аммо унинг аччиғини чиқазиб, соқолига тегадиган шум болаларни кўрса, орқасини ўгириб олар эди. Чубнинг сандиғида бисоти, чопон-у, зар уқа қадалган камзиллари, ипакли матолари кўп, чунки унинг марҳума хотини сатанг бойвучча эди. Кўкнор, карам, кунга-

боқардан ташқари, ҳар йили икки пайкал ерга тамаки ҳам экарди. Солоха бу давлатнинг барисини ўзимникига қўшиб олсам ёмон бўлмас, деган ниятда эди ва буларни ўзиники қилиб олгач, нималар қилишини мўлжаллаб ҳам қўйганидан, қари Чубга кўпроқ илтифот кўрсатар эди. Ўғли Вакула Чубнинг қизини ўзига оғдириб олиб, бор-йўқ давлатни эгаллаб, уни бийлатмай қўймаслиги учун қирқ яшар хотинларнинг ҳаммаси билган макрга қўл урди, яъни Чуб билан темирчини кўпроқ уриштириб қўйишга ҳаракат қилди. Унинг шу ғаламис, айёрлиги туфайли бўлса керак, баъзида кампирлар, хусусан биронта зиёфатга йиғилишганда ва меъеридан ортиқроқ ичиб қўйганларида у ҳақда гапириб, уни ялмоғизга чиқазиб қўяр эдилар. Хотинлар унинг ип йигирадиган дукчадек думи бормиш, ўспирин Қизяколупенко унинг бу думини кўрганмиш, ўтган пайшанба кўчада бировнинг олдидан қора мушук бўлиб ўтиб кетганмиш, бир кун попнинг хотини олдига бир чўчқа келиб, хўроз бўлиб қичқирганмиш-да, Қондрат отанинг шапкасини кийиб қочиб кетганмиш, дердилар.

Бир куни кампирлар шу ҳақда гаплашиб ўтирганларида подачи Тимиш Коростявий келиб қолиб, бир кун ёзда худди Петровка байрами олдидан бошига похол қўйиб оғилхонада ухлаб ётганида, кўйлакчан, сочини ёйган ялмоғиз келиб сигир соғиб турганини ўз кўзи билан кўрганини, ялмоғиз авраб қўйгани учун қимирламай қолганини, ялмоғиз сигирларни соғиб бўлгач унинг лабига бир палид нарса суркаб кетганини ва жирканиб куни билан тупуриб юрганини сўзлаб берди. Лекин унинг бу гапларига ишониб бўлмасди; чунки ялмоғиз Сорочинск суд аъзосидан бошқа ҳеч кимга кўринмайди. Шу сабабдан улуг казакларнинг ҳаммаси, шундай гапларни эшитганларида қўлларини силтаб кетаверар ва «бекор айтадилар, занғарлар», дердилар.

Солоха саранжом-саришта хотин бўлганидан, дарров печкадан чиқиб, уйни йиғштиришга тутинди. Аммо ерда ётган қопларга тегмади; Вакула ўзи олиб келган, ўзи йиғштирсин! Шайтон бўлса мўрига кираётганда, беҳосдан орқасига қайрилиб қараб, биров билан бошлашиб кетаётган ва уйдан анча нарига бориб қолган Чубга кўзи тушган эди. Дарров печкадан учиб чиқиб, улар олди-га ўтди-да, яхлаб қолган қорни тўзитиб соча бошлади. Бирпасда бўрон туриб, ҳавони буюғ босди. Ҳар тарафдан қор учиб, пиёдаларнинг юз-кўзларини, қулоқ-бурунларини қоплагудай бўлди. Шайтон бўлса, Чуб ҳамроҳи билан уйга қайтиб кетади ва темирчини ушлаб олиб, бўёқ чўткани анчагача қўлига ололмайдиган қилиб қўяди, деб кўнглини тўқ қилиб, яна мўрига қайтиб келди.

□

Дарвоқе бўрон бошланиб, шамол кўз очирмай қўйган заҳоти, Чуб йўлга чиққанига пушаймон бўлди, телпагини қаттиқроқ бостириб олиб ўзини, шайтонни, ҳамроҳини койиб кетди. Аммо унинг бундай хафалиги ҳам айёрлик эди, чунки бўрон кўтарилганига хурсанд эди. Муншиникига ҳали босган йўлларига қараганда саккиз марта кўпроқ йўл босиш керак. Хуллас, йўловчилар кетларига қайтдилар. Шамол орқадан урарди, лекин бўрондан ҳеч нарсани кўриб бўлмасди.

Бир оз юргач, Чуб ҳамроҳига қараб: «Шошма, оғайни, бошқа йўлга кириб кетибмиз шекилли. Битта ҳам уй кўзимга кўринмаяпти. Шундай ҳам бўрон бўладими? Сен сал бурилиброқ анави томонга юр-чи, зора йўл топсанг. Мен буёқдан қарай. Шундай бўронда кўчага судраганини қара, шайтоннинг иши-да, бу! Йўлни топсанг мени чақир, ёдингдан чиқмасин. Баччағар малъунни қара, кўзимга қорни тоза урибди!» — деди.

18

Бироқ, йўл кўринмас эди. Ҳамроҳи оёғида узун қўнж-ли этик билан, тентираб-тентираб, ароқхонага бориб қолди. Дунё топгандек суюнганидан, кўчада қолган ҳамроҳини унутиб, устидаги қорни қоқиб, ичкарига кириб баҳузур ўтираверди. Бу орада Чуб ҳам йўл топгандай бўлиб, ҳамроҳини чақириб-бақирришга тутинди, ҳамроҳи овоз бермагандан кейин, ўзи кетаверди. Борса, ўзининг уйи. Уйининг олдига қор уюлиб қолибди, томини ҳам кўриб бўлмайди. Совуқдан тўнган қўли билан эшикни уриб тақиллатиб қизини чақирди.

Эшик очгани чиққан темирчи:

— Кимсан, нима дейсан? — деб бақирди.

Чуб темирчининг товушини таниб, кетига сурилди. Ичида: «Бу менинг уйим эмас экан.. Меникига темирчи киролмас эди. Лекин мундоқ қараганда, темирчининг уйи ҳам эмас. Кимники бўлса экан? Ана холос, таниёлмаганимни қара! Яқинда ёш хотин олган Левченко чўлогники бўлса керак. Фақат унинг уйи меникига ўхшайди. Нега дарров келиб қолдим, дедим-а. Аммо Левченко ҳозир муншиникидалигини яхши биламан, темирчи нима қилиб ўтирибди бунда?.. Ёш хотинининг олдига келиб юраркан-да! Яхши, энди тушундим».

Темирчи яқинроқ келиб янада қаттиқроқ дўқ билан:

— Кимсан, эшикма-эшик нима қилиб юрибсан? — деди.

Чуб ичида: «Кимлигимни айтмайин. Манглайи қора, тагин уриб-нетиб юрмасин!» деб овозини ўзгартириб:

— Дуоғўй бир одамман, рамазон айтиб келдим! — деди.

— Йўқол, бошни қотирмай! — деди Вакула бақириб. — Нега яна кетмасдан турибсан, йўқол, кет, ҳозир кет!

Чубнинг ўзи ҳам, балога қолмасдан кета қолай, деб туриб эди-ю, аммо темирчининг буйруғи алам қилди.

19

Худди шайтон пинжига кириб, темирчига қаттиқроқ га-
пир, деб васваса қилаётгандай бўлди. Чуб овозини ҳа-
лигидек бўлакча қилиб:

— Сенга нима бўлди, мунча бақирасан? Нима, рама-
зон айтгани ҳам қўймайсанми, хоҳласам айтавераман-
да! — деди.

— Эҳ-ҳа! Тилингни тиймайсанми ҳали!..— Бу гап-
дан кейин Чуб елкасига яхшигина бир мушт тушганини
сезиб қолди.

Кетига озроқ тисланиб туриб:

— И-е, ҳали муштлашмоқчимисан! — деди.

Темирчи яна туртиб:

— Кет-кет! — деб бақирди.

— Сенга нима бўлди, и-е! — деди Чуб.— Ростакани-
га, жон-жаҳдинг билан уряпсан-а! — Унинг овозида
алам ҳам, оғриқ ҳам бор эди.

— Кет, кет, йўқол! — деб эшикни ёпиб олди те-
мирчи.

Чуб кўчада ёлғиз қолиб:

— Ботирлигини қара-я, яқинига бориб бўлмайди.
Шошмай тур ҳали, керилма, шаҳар бедарвозами! Сени-
ми, бола, тўппа-тўғри ҳокимга арз қиламан. Темирчили-
гинг-у, бўёқчилигинг менга писанд эмас. Қани, елкам
билан орқамга қарай-чи, кўкариб чиққандир. Баччағар
ёмон урди шекилли! Совуқ бўлмаса-ю, пўстинимни
ечиб... шошмайтур шайтоннинг темирчиси, мени урдинг,
сени шайтон урсин, темирчи дўконингга жин тексин,
шошма, ҳали, сени хўп ўйнатаман! Лаънати, дорга осил-
гур! И-е, шошма, ҳозир-ку, уйидамас, Солоха ёлғиз ўтир-
гандир... Ҳа... уйи узоқ ҳам эмас. Борсаммикин! Вақт
ҳам шундайки, ҳеч ким келмайди, зора мурод ҳосил
бўлса... Лаънати темирчи ёмон урган экан-а!

Чуб елкасини қашиб олиб, йўлнинг бу томонига бу-
рилди. Солохани кўраман деб хурсанд бўлганидан, оғ-

риқ ҳам эсидан чиқди, чирсиллаб турган совуқ бўрон-
нинг буюғи ҳам билинмай кетди. Бўрон соқол-мўйлови-
ни қор билан шундай совунлаб қўйдики, ҳар қандай
чаптаст сартарош ҳам бундай совунлай олмас эди; қор
босган шу бетига гоҳда қувонч пайдо бўлиб, илжайиб
қўяр эди. Аммо қор бўрони ҳар тарафдан гупиллаб, кў-
зини очқизмай қўйганда, ҳар қадамда тўхтаб, лаънати
темирчи ёмон урди, деб, елкасини силаб, яна йўлга
тушар эди.

□

Эчкисоқол, думли олифта ойни ўғирлаб, ёнида осиг-
лиқ кўлборига солиб қўйган эди. Мўридан чиқиб-кирга-
нида кўлбори печкага илишиб очилиб кетди ва ой фур-
сатни ғанимат билиб, Солоха уйининг мўрисида осмон-
га чиқиб кетди. Олам ёришди. Бўрон бўлмагандай, ат-
роф бояги-боягидай. Ерни қоплаб ётган қор кумушдек
ярақлади, гўё қор устига биллур юлдузчалар сочилган-
дек эди. Ҳаво илигандай бўлди. Успирин йигит ва қиз-
лар елкаларида тўрвалари билан чувиллашиб ташқари-
га чиқдилар. Қўшиқлар жаранглаб, рамазон айтиб ки-
рилмаган эшик қолмади.

Ой ажаб товланиб турибди! Бундай хушҳаво кечада
қувноқ қизлар, ҳар бир ҳазил, ҳар бир ўйинга тайёр тур-
ган шўх йигитлар орасида бўлиш қандай завқли! Эгнинг-
да пўстин бўлса совуқ емайсан, совуқда бетлар яна бат-
тарроқ ёнади. Шўхликка эса шайтоннинг ўзи бошлайди.

Бир гала қизлар елкаларида тўрвалари билан Чуб-
никига кириб, Оксанани ўраб олдилар. Уларнинг чувил-
лашидан темирчи эсанкираб қолди. Ҳар қайсиси бир-
бирининг гапини бўлиб, гўзал қизга бир янгилик айт-
гиси келарди, рамазон айтиб йиққан чалпак, колбаса-

ларини халталаридан тўкиб мақтанар эдилар. Оксана ҳали у, ҳали бу қиз билан гаплашиб, хахолашиб куларди.

Темирчи қизларнинг бундай қувончларини кўриб, ҳаваси келар, қизғанчиқлиги тутиб, ўзи бара айтишни яхши кўрса ҳам, лекин ҳозир уни лаънатларди.

Гўзал қиз қувонч билан қизларнинг бирига қараб:

— Ҳой, Одарка! Янги кавуш кийиб келибсанми, мунча чиройли! Зарлиг-а! Толеъинг баландда сани, ҳар нарсалар олиб берадиган кишинг бор. Менга ким олиб беради бунақа кавушни, — деди.

Темирчи дарров:

— Жоним Оксана, хафа бўлма, сенга унақа-бунақа бойнинг қизи ҳам киймаганини олиб бераман, — деди.

Оксана ялт этиб қаради-да, уни менсимагандек:

— Сен-а? — деди. — Қани, кўрай-чи, мен киядиган кавушни қаердан топиб келаркинсан. Маликанинг оёғидан ечиб келсанг, унда майли!.. — деди.

— Кўрдингми буни кўнгли қанақа! — деб хахолаб кулишди қизлар.

Гўзал қиз:

— Рост айтаман. Ҳаммангиз гувоҳсиз, агар темирчи Вақула маликанинг оёғидаги кавушни келтирса, шу онда унга тегаман, — деди.

Қизлар инжиқ гўзални бирга олиб кетдилар.

Темирчи улар кетидан чиқа туриб:

— Масхара қилавер-чи, ҳозир ўзимни-ўзим масхара қиламан, ўйлаб ўйимга етолмай қолдим. Билмадим ақл-ҳушим қаёққа кетди. Мени севмайди, севмаса севмасин, дунёда ундан бошқа қиз йўқми! Худога шукур, ундан бошқа ҳам қиз бор қишлоғимизда. Нимаси яхши Оксананинг? Ундан рўзгорни эплайдиган тузук хотин ҳам чиқмайди, ясанишдан, ўзига зеб беришдан бошқани билмайди. Энди аҳмоқликни бас қилиш керак,

Бироқ, темирчи узил-кесил Оксанадан кечмоқчи бўлиб турган чоқда, кўз олдида:

«Маликанинг кавушини келтириб берсанг, сенга тегаман!» деб кулиб турган шўхчан юзи кўринди. Бутун вужуди изтиробга тушиб, Оксанадан бўлак ҳеч нарса хаёлига кирмади.

Бара айтиб юрган қизлар билан йигитлар бир гала бўлиб кўчама-кўча югуришар эди. Аммо темирчининг кўзига ҳеч нарса кўринмас, бир замонларда кўнглини қувонтирган бу ўйин-кулгиларга аралашмасдан ёлғиз борарди.

□

Бу орада шайтон жуда ийиб кетди. Суд аъзоси поп қизини кўрганда қилган қилиқларни қилиб, Солоханинг қўлларини ўпар, оҳ-воҳ қилиб, кўксини ушлаб, агар кўнглимни олмасанг, ўзимни ҳар нарса қиламан, сувга ташлайман, жонимни тўппа-тўғри сақарга¹ юбораман, дерди дангалига. Солоха унча бераҳм эмас эди, бундан ташқари шайтон билан шерик эди. У кетидан бир нечасини эргаштириб юришни яхши кўрар, суҳбат қурмаган куни кам бўларди. Бироқ, бу куни кечқурун ёлғиз ўтирмоқчи бўлди, чунки, қишлоқнинг ҳамма улуғлари муншиникига ошга чақирилган эдилар. Лекин иш бошқачасига айланиб кетди. Шайтон боягидай қисти-бастига олиб турганда, тўсатдан даъвошининг йўғон овози эшитилиб қолди. Солоха эшикни очгани чиқиб кетди, дингиллаган чаққон шайтон дарров бир қопга кириб олди.

Даъвоши тумоғидан қорни силкитиб бўлгач, Солоханинг қўлидан бир пиёла арақни ичиб олди, сўнгра бў-

¹ Сақар — дўзах.

рои туриб, тўполон бўлганидан муншиникига бормаганини, Солоханинг уйида чироқ борлигини кўриб, бу кеча у билан суҳбат қурмоқ ниятида буёққа келганини айтди.

Даъвоши сўзини тамом қилгунча ҳам йўқ эдики, эшик тақиллаб, муншининг овози эшитилди. Даъвоши шивирлаб:

— Мени бир жойга бекит, мени кўрмасин, — деди.

Солоха, даъвошидек хўппасемиз меҳмонни қаерга бекитишни билмай кўп ўйлади, алоҳа кўмир турган энг катта қоп эсига келиб, кўмирни бочкага ағдарди: сўлақмондек даъвоши мўйлови, боши ва бошидаги тумоғи билан қопга кирди.

Мунши уҳ-уҳлаб, қўлларини бир-бирига ишқалаганча кириб келди, киргач, меҳмонлар келишмаганига ниҳоятда хурсанд бўлиб, бўрон бўлиб турганига қарамай, сиз билан андак суҳбатлашай деб келдим, деди. У Солохага яқинроқ келди, йўталиб олгач, илжайиб кулди, узунчоқ бармоқлари билан унинг яланғоч семиз қўлини ушлаб туриб, айёрлик билан:

— Гўзал Солоха, бу нима? — деб сапчиб ўзини нарироқ тортди.

— Нима бўларди! Қўл-да, Осип Никифорович! — деди Солоха.

Гап бошлаш учун қилган даромадидан ўзи хурсанд бўлиб:

— Ҳм! Қўл денг! Хе-хе-хе! — деб қўйгандан кейин, уйнинг уёғидан-буёғига юра бошлади.

Яна яқинига келиб, томоғидан ушлаб:

— Азизим Солоха, бу нимадир? — деб яна ҳалигидек сапчиб четга олди ўзини.

Солоха унга:

— Осип Никифорович, кўриб турибсиз-ку нималигини, бўйним, бўйнимда маржоним! — деди.

— Ҳм! Бўйнингизда маржонингиз. Хе-хе-хе! — деди, қўлларини ишқалаб яна юришга тушди.

— Бунингиз нимадир, хотинлар яктоси?.. — Мунши узунчоқ бармоқлари билан, қаеринидир ушламоқчи бўлганда эшик тақиллаб, Чубнинг овози эшитилди.

Муншининг юраги ёрилиб:

— Ё рабби, бегона киши-ку! Менинг тагим нозик, биров кўриб қолса нима бўлади.. Кондрат бузрук эшитиб қоладилар!.. — деди.

Аммо муншининг хавотири бошқа томондан эди. Ўз хотинидан кўпроқ хавотирда эди: ҳали ҳам хотинининг дастидан бошидаги сочидан битта қолмаган эди. Қалтираб туриб:

— Марҳаматли Солоха, худо ҳақи, бир илож қилинг. Сизнинг яхшилигингиз ҳазрат Лука Китобининг ўн учин... Биров тақиллатяпти, азбаройи худо, тақиллатяпти! Вой, вой, яширсангиз-чи мени бирон ерга, — деди.

Солоха яна бир қопдаги кўмирни бочкага ағдарди. Жуссаси унча қатта бўлмаган мунши қопга тушиб, ўтириб эди, қопнинг аллақанча кўмир сиққундай жойи бўш қолди.

— Ассалом алайкум, Солоха! — деди уйга кираётиб Чуб. — Мени келади деб кутмагандирсан-а? Бемоврут келиб халал етказдим шекиллик... — деди ва гўё бир нарсани билгандай кулимсираб илжайиб қўйди. Унинг бу қилиғи, бефаҳм калласи биронта ҳазил-мутойиба сўз айтмоқ бўлиб анча овора бўлганини кўрсатиб турар эди: — Балки биров билан ўйнашиб турганмидингиз!.. Битта-яримтани яширмадингми-а? — Чуб бу гапларига ўзи завқ қилиб, Солоханинг кўнгли фақат менда, мендан бошқага рағбати йўқ, деган хаёл билан, ич-ичидан қувониб кулиб юборди. — Солоха, қани энди арағингдан келтир. Совуқдан томоғим тўнгиб қолганга ўхшайди. Э, худо, рождестводек улуг байрам олдида ҳавони шун!

дай қилармисан! Шундай музлатдики, шундай музлатдики, асло қўявер, бай-бай... қулоқ солсанг-чи, Солоха, қўлларим акашак бўлиб қолди, пўстинимни ечолмайман-а! Бўрон шундай уриб бердики...

Ташқарида биров эшикни итариб «оч!» деди.

Чуб, шошиб тумоғини оларкан, «темирчига ўхшайди», деб қўйди.

— Ҳой, Солоха, қаерга бекитсанг бекит мени. У бадбахтнинг кўзига сира кўрингим келмайди. Шайтонваччанинг икки кўзига говмиҗча чиқсин!

Солоханинг қути учиб, жинни кишидек нима қиларини билмай гангиб қолиб, муншини яширган қопни кўрсатди. Бечора мунши давангидек одам совуқда тўнгиб, ҳали эрмаган этиги билан унинг икки чаккасини босганда ҳам ғиқ этмай жим ўтираверди.

Темирчи индамай кирди-ю, бошидан қалпоғини ҳам олмай, тахта устига ёнбошлади. Авзоидан хафалиги билиниб турарди.

Солоха ўғли кетидан эшикни ёпгунча ҳам бўлмай, яна биров тақиллатиб қолди. Келган одам казак Свербигуз экан. Бунга қопга жойлашнинг иложи ҳам йўқ, чунки у сиғадиган қоп топилиши қийин. Унинг жуссаси даъвошиникидан каттароқ, бўйи Чубнинг оғайнисиникидан новчароқ эди. Шунинг учун Солоха унинг гапини яхшилаб эшитмоқ ниятида уни ташқарига чиқариб, анғизга олиб кирди.

Темирчи уйнинг ҳар тарафига паришонҳол аланглаб, узоқда рамазон айтиб юрганларнинг овозига ўқтин-ўқтин қулоқ солиб ўтириб эди. Бир маҳал қопларга кўзи тушиб қолди; нима қилиб ётибди бу қоплар, чиқариб ташлаш керак эди. Аҳмоқона муҳаббат деб, жинни бўлиб қолдим. Эртага байрам бўлса, уй йиғиштирилмабди, ҳар бало ивирсиб ётибди. Устахонага обориб ташлай!

Темирчи катта қоплар устига энгашиб, аввал яхшилаб бўғиб, боғлаб, кейин орқаламоқчи бўлди. Аммо хаёли паришонлиги шундоқ билиниб турарди, бўлмаса, қопнинг оғзини бўғганда Чубнинг кокилини ҳам қўшиб боғлаб юборганда унинг вишиллаганини, давангидек даъвошини ҳиқичоқ тутиб, ҳиқиллаганини эшитган бўлар эди.

«Бу ярамас Оксана хаёлимдан сира кетмасмикин-а? Ҳеч ўйламай десам ҳам ўйимга келаверади, ўчакишгандек яккаш ўша эсимга келади, холос. Нега бундай экан, киши хоҳламаса ҳам миясига кираверар экан-да? Нима бало бўлди, қоплар оғир тортиб қолибдими? Қўмирдан бўлак яна бирор нарса солинганга ўхшайди. Э, эсим қурсин! Ҳар нарса менга оғир кўринаверади энди, ҳеч эсимда йўқ. Аввал бир мирилик чақани, от тақасини бир қўлим билан икки букаверардим, энди бир қоп кўмирни кўтаролмайман-а! Яқинда шамол эсеа йиқилдиган бўлиб қоламан шекиллик». Кейин бир оз индамай туриб, ўзига далда бергандек, «йўқ, мен хотин киши эмасман! Ўзимни ҳеч кимга майна қилдириб қўймайман! Бунақа қопдан ўнтаси бўлса ҳам кўтараман!» деб шовқинлаб қўйди. Сўнгра керилиб, иккита полвон кўтаролмайдиган қопларни орқалаб олди. Ичида шайтон ғужанак бўлиб ўтирган қопни ушлаб, «бунга ҳам олайми, асбобларимни солиб қўйган эдим шекиллик» деб, қўшиқ айтганча ташқарига чиқиб кетди.

Хотин олмоқ ҳазил эмас
Ботмон-дахсар эт керак...

Кўчадаги қўшиқ, шовқин-сурон тобора авжига минди. Яқин орадаги қўшни қишлоқлардан ҳам бир талай одам йиғилиб, тўполон қилиб юрганлар яна кўпайди. Успирин йигитлар хўп яйраяптилар. Рамазон айтиб юрганлар, гоҳда ёшларнинг биронтаси шу топда тўқиған

қўшиқларни ҳам айтиб юборардилар. Гоҳда жўралар орасидан биров овозининг борича бақириб, рамазон ўрнига ашур айтиб юборарди:

Шедрик-ведрик
Варақига келдик.
Ош беринг-мош беринг,
Қазидан бир бош беринг.

Ҳаммалари кулишиб, буни айтган қизиқчини хурсанд қилардилар. Дарчалар очилиб, қартайган эрлари билан уйда қолган кампирларнинг озғин қўллари бир бўлак колбаса, ёки сомса узатар эди. Йигит ва қизлар, «менга-менга» деб таллашиб, тўрваларини тутардилар. Бир жойда йигитлар қизларни ўраб олишган: қий-чув бўлиб, чувиллашиб, бир-бирига қор отишган, бир-бирининг тўрвасини улоқ қилган. Бир жойда қизлар бир болани чалиб, тўрваси билан ағанатган. Тонг отгунча шу зайлда тўполон қилиб чиқадиған кўринадилар улар. Тун ҳам уларга бўлишгандек изғиринсиз, ойнинг нури қордан яна равшан тортгандек эди.

Темирчи галалашиб юрган қизлар орасида Оксанининг жарангдор товушини эшитгандай бўлиб, қопларини кўтарганича тўхтади. Пайлари титраб, орқасидаги қопларни ерга ташлаб юборган эди, қопнинг тагида ўтирган мунши оғриқдан вой-войлаб юборди, даъвошининг ҳиқичоғи тутиб, овозининг борича ҳиқиллаб юборди. Темирчи елкасидаги енгил қопи билан Оксананинг овози келган қизлар тўпи кетидан галалашиб бораётган йигитларга қўшилиб кетаверди.

«Шахло кўзи ўтдек ёниб маликага ўхшаб турган ул экан! Барно бир йигит унга бир нарсалар сўзлаяпти. Қизиқ гап айтаётган бўлса керак, қиз кулиб турибди. Аммо у доим кулгани-кулган-ку!» Темирчи ўзи ҳам билмай,

беихтиёр бирдан ҳаммани оралаб ўтиб, унинг қошига бориб турди.

Вакулани жинни қилғудай бўлган бояги масхараомуз кулги билан: «Э Вакула, шу ердამисан! Салом! Хўш! Рамазон айтиб нима йиғдинг? Қопинг мунча кичкина! Маликанинг оёғидаги кавушни келтирдингми, келтирсанг сенга тегаман!» деди шўх қиз ва кулганича қизларга қўшилиб қочиб кетди.

Темирчи қоққан қоқиқдай қадалиб туриб қолди, «Йўқ, энди тоқатим қолмади...» деди чидолмай. «Э, худойим, нега мунча чиройлиг-а, қурғур. Қараши, сўзи, ҳар бир қилиғи ўртантиради-я! Ўртантиради. Ҳеч тоқатим қолмади! Энди бирёғлиқ қилмасам бўлмайди. Ўлиб кетганим яхши, музни ёриб сувга чўкаман, номим ўчсин!»

Кейин дадил бўлиб, илдам-илдам юриб, қизлар тўпига етиб олди. Сўнгра Оксанага яқинлашиб, қатъий оҳангда «хайр, Оксана! Энди кўнглингга ёққан бошқа сени топ, бошқа кимни хоҳласанг аҳмоқ қилавер, лекин мени бу дунёда энди кўролмайсан!» деди.

Барно қиз таажжублангандай ҳайрон бўлиб қолди, бир сўз айтмоқчи бўлди, лекин темирчи қўлини силтаб, чопганича кетиб қолди.

Унинг чопиб кетаётганини кўрган болалар, «Вакула, қаёққа!» деб орқасидан қичқириб қолдилар.

Темирчи уларга: «Хуш қолинглар, оғайнилар! Худо хоҳласа нариги дунёда кўришамиз, аммо бу дунёда энди бирга ўйнамоқ насиб бўлмас. Хайр, ёмон ишларимни эсламанглар! Қондрат отамизга айтинг, гуноҳкор арвоҳимга дуо-фотиҳа қилсин, дунёнинг ишлари билан овора бўлиб, азиз-авлиёларга сиғинмадим, шам ёқмадим. Сандиғимда нимаики бисот бўлса черковга худойи қилдим! Алвидо!» деб жавоб қайтарди.

Темирчи шундай деб, орқасида қопи билан яна чопиб кетаверди.

Иигитлар орқасидан:

— Ақлдан озибди шекиллик, — деб қолавердилар.

Кўчадан ўтиб бораётган художўй кампир:

— Худо урибди, темирчи ўзини қандай осганини бориб ҳаммага айтай! — деб ўзича гўлдираб кетди.

Вакула бир неча кўчадан югуриб ўтиб, дам олгани тўхтади. «Хаммаси барбод бўлгандек қаёққа чопиб кетаётиман ўзим, — деб ўйлади у, — излай, запорожьели Мечкай. Пацюкка бориб маслаҳат қилиб кўрай, уни, жами жинлар билан таниш, ҳар қандай мушкулни осон қилармиш, дейдилар-ку! Майли, бориб кўрай, бари бир ўлим кишисиман!» Қопда ҳалигача қимирламасдан жим ётган шайтон бу гапни эшитиб суюнганидан қоп ичида ўйнай бошлади. Аммо темирчи қопга ўзим тегиб қимирлатиб юбордим шекилли деб, қопни бир муштлаб, силкитди-да, Мечкай Пацюкникига қараб кетди.

Пацюк Мечкай бир замонлар запорожье казакларидан бўлганлиги тўғри. Аммо уёқдан ҳайдалганми ёки ўзи қочиб келганми, буни ҳеч ким билмас эди. Диканька қишлоғига келиб туриб қолганига аллақанча, ўн йилми, балки ўн беш йилми бўлган. Аввал худди запорожьеликнинг ўзи эди, ҳеч ишламас, куннинг уч қисмини уйқу билан ўтқазар, олти ўроқчининг овқатини ер, бир кўтарганда салкам бир челак арақ ичар эди. Бунча овқатнинг жойлашадиган ўрни ҳам бор эди, чунки бўйи пастроқ бўлса ҳам, энига хийла катта эди. Қийган чолворининг кенглиги шунчалик эдики, ҳар қанча катта қадам ташласа ҳам, оёғи сира кўринмас, юрганда вино солинадиган бочка юриб кетаётганга ўхшарди. Шу туфайли Мечкай лақабини олган бўлса ҳам ажаб эмас. Қишлоққа келганига уч-тўрт кун бўлар-бўлмас фолбинлиги ҳаммага машхур бўлди. Биров бетоб бўлса, дарров

уни чақиртирар эди; келиб шивирлаб бир дуо ўқиса, ҳар қандай дард тузалиб кетар эди. Нафси бузуқ зодагонлардан биронтасига балиқнинг қилтаноғи тиқилиб қолса, Пацюк боплаб бир мушт урганда қилтаноқ зодагоннинг томоғига ҳеч зиён-заҳмат етказмасдан жойини топиб кетарди. Лекин сўнгги вақтларда у кам кўринадиган бўлиб қолган эди. Бунинг сабаби дангасалиги бўлса ҳам ажаб эмас, аммо йилдан-йилга эшикка сиғмайдиган бўлиб бораётганлигидан бўлса ҳам эҳтимол. Унинг ўзи эшикка чиқмасди-ю, жамоа аҳлларида кимнинг унга иши тушиб қолса, ўзи борар эди.

Темирчи кўрқа-писа эшикни очиб қараса, Пацюк чордана қуриб ўтирибди, олдида кичкина бочкача, бочкача устида товоқда туппа оши; товоқни атайин оғзига тўғрилаб баланд қилиб қўйибди. Қўлини асло қимирлатмасдан, бошини андак энгаштириб товоқдан ҳўплаб ичар, гоҳда туппани тиши билан тишлаб олар эди.

Вакула буни кўриб, «буниси Чубдан ҳам баттар ялқов экан. Чуб-ку, овқатини қошиқ билан ейди-я, бу қўлини кўтаргиси ҳам келмайди!» — деб қўйди ичида.

Пацюк туппа оши билан овора бўлса керак, остонадан ўтар-ўтмас энгашиб салом берган темирчининг келганини пайқамади.

Вакула яна салом бериб:

— Ҳузурингга илтимос билан келдим! — деди.

Хўппасемиз Пацюк бошини кўтариб қараб қўйди-да, яна туппасини ичаверди.

Темирчи нафасини ростлаб олиб:

— Ачиғинг чиқмасин, мен бу гапни сени ранжитмоқ учун айтаётганим йўқ, сенинг шайтон билан озроқ қариндошчилигинг бормиш, — деди.

Вакула бу сўзларни айтиб қўйиб, кейин қалтис сўзларни бир оз юмшатмасдан, қўполроқ қилиб гапирдимми, деб кўрқди ва Пацюк товоғи билан бошимга уриб

қолармикан, деган хавотирда ўзини бир чеккага олиб, туппанинг иссиқ шўрваси бетимга сачрамасин, деб енги билан бетини бекитиб олди.

Аммо Пацюк бир қараб қўйиб, туппасини еяверди. Темирчи сал ботирланиб, яна:

— Пацюк, худо ҳеч нарсадан кам қилмасин, давлатинг зиёда бўлсин, нону тузингга барака берсин, мен сенга паноҳ тортиб келдим! — деди. Темирчи гоҳда сухандонлик ҳам қилиб қўяр эди, чунки юзбошининг тахта деворини бўягани Полтавага борганда анча пишиб қолган эди. — Мен гуноҳга ботган бечораман, дардимга даво йўқ. Энди нима бўлса бўлди, шайтонга ялинишдан бўлак чора қолмади. Нима қилай, Пацюк? — Пацюк индамасдан ўтиравергач. — Қандай қилай? — деди яна.

Пацюк бошини кўтармай туппасини ошаларкан:

— Шайтон керак бўлса, бор ўшанинг олдига, — деди. Темирчи энгашиб салом бериб:

— Шунинг учун сенинг қошингга келдим-да, шайтонга элтар йўлни сендан бошқа ҳеч ким билмаса керак, — деди.

Пацюк чурқ этмай, қолган туппасини еб бўлди. Темирчи уни ўз ҳолига қўймай:

— Раҳм қилгин, яхши одам, йўқ дема: чўчқа гўшти дейсанми, колбасами, оқ ун, қора ун дейсанми, матоми, сўкми, нимаики керак бўлса берай, яхшиликка яхшилик қайтараман, менда қолмас... лоақал шайтонга элтадиган йўлни кўрсатиб қўй, — дерди.

Пацюк бояги-боягича бемалол ва бепарво:

— Шайтон елкасида турган одам шайтонни қидирмайди, — деди.

Бу сўзларнинг маъноси Пацюкнинг манглайида ёзилгандек, Вакула унга тикилиб қолди. Унинг кўринишидан, нима деяпти, деган савол ёғиларди. Сал очилиб

қолган оғзи. Пацюк айтган ҳар бир сўзни худди туппадек ютиб юборгудай бўлиб турарди. Лекин Пацюк индамасди.

Вакула яхшироқ қараса, Пацюкнинг олдида на бочка идиш бор, на товоқда туппа. Лекин ерда иккита заранг коса турибди, бирида чучвара, бирида қаймоқ. Унинг хаёли, кўзи беихтиёр бу овқатга қаратилди. Ўзига-ўзи «кўрай-чи: чучварани қандай еркан, туппани егандек бошини эггиси келмас, эгганда ҳам, бари бир бўлмайди, чунки чучварани қаймоққа ботириб олиш керак-ку», деб ўйлади.

Вакула шундай деб ўйлаши биланоқ Пацюк оғзини очди, чучварага бир қараб қўйиб оғзини яна каттароқ очди. Чучвара косадан сакраб чиқиб қаймоққа тушди, унда бир думалаб, сапчиб Пацюкнинг оғзига кириб кетди. Еб бўлгач, яна оғзини очди, чучвара яна шу хилда сапчиб, оғзига кириб кетди. Унинг иши фақат чайнашу ютиш эди.

Темирчи таажжубдан ағрайиб, «ғалати-ку!» деб ҳайрон бўлиб туриб эди, чучвара унинг оғзига ҳам кириб кетаётганини фаҳмлаб қолди. Лаби аллақачон қаймоқ бўлибди. Темирчи чучварани ютиб, лабини артиб дунёда қандай ғалати ажойиботлар бўлади-я, шайтон одамни қандай ишларга бошлайди-я, деб ўйлаб қолди ва Пацюкдан бошқа ҳеч ким унга ёрдам беролмаслигини билди. «Яна бир салом бериб кўрай, уқдириброқ айтсин... И-е, менга нима бало бўлди, бугун ўта рўза тутадиган кун эди-ку! Чучвара еб қўйдим, чучвара тузлик-ку! Қандай аҳмоқман, қараб туриб гуноҳкор бўлдим-а! Қоч энди!» Художўй темирчи орқасига қарамай югурганча уйдан қочиб чиқди.

Аммо унинг қопида суюниб ўтирган шайтон, ғанимини қўлдан чиқаргуси келмади. Темирчи қопни ерга қў-

йиши билан шайтон дарров чиқиб, унинг елкасига ми-
ниб олди.

Темирчининг бадани жимирлаб кетди. Қути учиб, қо-
ни қочиб, чўқинмоқчи бўлиб турганида шайтон тумшу-
ғини унинг ўнг қулоғига яқин келтириб:

— Мен сенга дўстман, дўстим, биродарим учун ҳар
нарсга қиламан,— кейин чап қулоғига чийиллаб:— Пул
десанг истаганингча бераман,— деди. Кейин тумшуғини
яна ўнг қулоғига тутиб:— Оксана шу бугуннинг ўзида
бизники бўлади,— деб шивирлади. Темирчи ўйлаб ту-
риб:

— Хўп, бу баҳо учун мен сеникиман! — деди.

Шайтон қарсақ уриб, хурсандлигидан темирчининг
елкасида туриб ўйин тушиб кетди. Энди қўлимга туш-
ди-ю, шайтонларни масхара қилиб солган суратлари-
нинг аламини энди оламан, қишлоқнинг энг яхши ху-
дожўй одами қўлимга тушганини шерикларим билса-
лар, нима деркинлар, дерди ўзича. Дўзахдаги қуйруқ-
лиларни қандай мазах қилишини, уларнинг васвасачи-
ликда энг биринчиси бўлган чўлоқ шайтонга қандай
алам қилишини кўз олдига келтириб кулиб юборди.

Шайтон, темирчи қочиб кетмасин, деган хавотирда
бўлганидан ҳали ҳам унинг елкасидан тушмай чийиллаб:

— Лекин, Вакулка, ўртада бир шарт боғламасдан
ҳеч бир иш қилинмаслигини ўзинг биласан!— деди.

— Нима десанг мен тайёрман,— деди темирчи.—
Сизларда қон билан қўл қўйиш одатмиш деб эшитдим;
тўхта, киссамдаги михимни олай!— деб қўлини орқаси-
га қилиб, шайтонни думидан тутиб олди.

Шайтон кулганча:

— И-е, ҳазилкаш экансан-ку! Қўй ҳазилингни, бас!—
деди бақриб.

— Шошма, жонгинам! Манавинга қараб қўй-чи, ни-

ма? — деб, дарров чўқинганди, шайтон бирпасда му-
лойим бўлиб, қўзичоқдек ювош тортиб қолди. Кейин
думидан тортиб елкасидан тушираркан,— тўхта-чи, ях-
ши одамларни йўлдан оздирадиган, гуноҳга бошлайди-
ган санми, шошмай тур! — деб унинг устига миниб ол-
ди, кейин чўқинмоқчи бўлиб қўлини кўтарган эди:

— Вакула, афв эт! Нима буюрсанг бажо келтира-
ман, жонимни қийнама, тавба қилдим, чўқинтирма ме-
ни, хочингдан қўрқаман! — деб ялинди.

— Ҳа-ҳа! Энди бошқача тилинг чиқдими, лаънати
немис! Нима қилишимни энди ўзим биламан. Ҳозир ме-
ни учириб обор, қушдек уч!

Шайтон ғамгин қиёфада: «Қаёққа?..» деди.

— Петембургга! Тўппа-тўғри пошшо хотин олдига
обор!

Ҳавога кўтарилиб учиши билан, темирчи қўрққани-
дан юраги орқасига тортиб кетди.

□

Оксана темирчининг ғалати гапларини ўйлаб, хаёл
суриб қолди. Темирчига ҳаддан ташқари жабр қилгани-
ни ўзи ҳам билиб, ичида афсус ер эди. «Агар ростдан
ҳам ёмон бир иш қилиб қўйса нима бўлади? Алаmidан
ҳар нарсга қилса қилаверади-да! Бошқа бировни яхши
кўриб, ўшани қишлоқнинг барноси деб мақтаб юрса
ҳам юраверади-да. Йўқ, мени севади, мендан чиройли-
ги борми! Мендан асло ажралмайди, ҳазиллашиб қўй-
ди-да! Ун минут ҳам ўтмасдан мени кўргани яна қайтиб
келади. Нафсамбри, унга бараҳмлик қилдим. Хоҳлама-
гандек бўлса ҳам бир ўпич берай. Бир суюнтирай!» Ен-
гилтак гўзал қиз ўртоқлари билан ҳазиллашиб ўйнаб
кетди. Ўртоқларидан бири:

— Шошманглар, темирчи қопларини эсидан чиқазиб ташлаб кетибди. Қаранглар, ғалати қоплар-а. У рамазонни биздақа айтмабди, унга бир нимтадан гўшт берганга ўхшайдилар, колбаса билан нон беҳисобдир. Мўлчилик, ҳайит ўтгунча маза қилсак бўлади,— деди.

— Темирчининг қопларими ҳали бу? — деди Оксана ҳам. — Тез бўлинглар, бизникага обориб, яхшилаб қарайлик-чи, нималари бор экан.

Қизларнинг ҳаммаси кулишиб, унинг гапини маъқулладилар.

Қизлар қопларни кўтариб кўриб:

— Вой, бизлар кўтаролмаймиз, — деб чувиллашдилар.

— Шошманглар, дарров бориб чана келтириб, чанага ортиб олиб кетамиз,— деди Оксана.

Қизлар чанага югуриб кетдилар.

Мунши бармоғи билан қопни анчагина тешиб қўйган бўлса ҳам, ҳар ҳолда қопга тушганлар жуда зерикиб қолишди. Агар одам бўлмаганда, мунши бир илож қилиб чиқиб оларди, аммо ҳамма қараб турганда қопдан чиқиб, ўзини-ўзи майна қилсинми... Бу мулоҳаза уни сабр қилишга мажбур этди, шунинг учун, Чубнинг этиги анча эзганига қарамай, инқиллаб, сабр қилишга қарор берди. Чуб ҳам тагидаги нарса ўтиришга ноқулай, бесўнақай эканини сезиб, у ҳам тезроқ қутила қолишни хоҳлар эди. Аммо қизининг бояги сўзини эшитиши билан хотиржам бўлди. Уйга етгунча юз қадам, балки кўпроқ юрмоқ керак. Қопдан чиқадиган бўлса уёқ-буёғини ростлаб, пўстинининг боғичини тақмоғи, камарини боғламоғи керак, бунинг устига тумоғи ҳам Солоханикида қолибди; шу мулоҳаза билан, чиқмай ўтираверди. Қизлар чанада элтиб қўйсалар яхши эмасми, Аммо Чуб ўйлагандай бўлмади. Қизлар чанага кетганларида, анави новча, қотма оғайниси жуда хафа бўлиб

арақхонадан чиқиб келди. Арақфуруш хотин насияга бермабди. Биронта худо ярлақанган бадавлат келиб қолиб ичирармикин деган умидда хийла кутди, лекин аксига олгандай, давлатманд боёнларнинг бариси художўй христиан бўлганларидан, уйларида бола-чақалари билан бирга бўтқа ош еб ўтирардилар. У, одамларнинг феъли кетганлиги, арақфуруш жуҳуд хотиннинг тошбағирлиги тўғрисида ўйлаб бораётиб, қопларни кўриб, ҳайрон бўлиб тўхтаб қолди. Уён-буёнга аланглаб қараб:

— Қим йўлга қопини ташлаб кетибди! Гўшт-пўшти бордир! Битта-яримта бахти очилган рамазон айтиб йиққану шунча нарсани! Мунча баҳайбат қоплар-а! Агар ясиқ унидан бўлса ҳам, буғдой унидан бўлса ҳам, ичи тўла нон бўлса ҳам ёмон эмас. Нуқул чапати патир бўлса тагин яхши. У ҳам ширин бўлади. Арақфуруш жуҳуд хотин битта патирга нимчорак арақ беради. Биров кўриб қолмасдан тезроқ олиб кетай!— Чуб билан мунши тушган қопни орқалаб олмоқчи бўлди, лекин қараса, жуда оғир. — Бир кишига оғирлик қиларкан. Хайрият, бўзчи Шапуваленко келяпти. Ассалому алайкум, Остап!

Бўзчи ҳам тўхтаб, салом берди.

— Йўл бўлсин?

— Ҳзим. Оёғим қаёққа тортса шу ёққа кетаётибман.

— Яхши киши, шу қопларни кўтаришвор. Биров рамазон айтиб йиғиб-йиғиб, кўчага ташлаб кетибди. Нима бўлса бўлишиб оламиз!..

— Қоп? Нимаси бор экан, патирми, кулчами?

— Нима десанг борга ўхшайди.

Дарров четан девордан иккита калтак суғуриб, қопни калтакка қўйиб елкалаб кўтариб кетдилар.

Бора туриб, бўзчи:

— Қаёққа оборамиз, арақхонагами? — деди.

— Мен ҳам ўшатга борайлик деган эдим-у, лекин

бадбахт жуҳуд хотин ишонмасдан, бировникини ўғирлаб келишди, деб ўйлармикин дейман, ундан ташқари, мен ҳозиргина у ердан чиқдим. Бизникига оборамиз, ҳеч ким йўқ, бемалол, хотиним уйда эмас.

Бўзчи, эҳтиёткорлик қилиб:

— Йўқлиги аниқми? — деди.

— Худога шукур, ақлимизни еб қўйганимиз йўқ, агар уйда бўлса жинни бўпманми бориб. Тонг отгунча хотинлар билан валақлашса керак,— деди.

Икки дўстнинг даҳлиздаги говур-гувурини эшитиб қолган хотини эшикни очиб, «кимсан?» деди.

Эри хотинининг уйдалигини билиб тахта бўлиб қолди.

Бўзчининг ҳам қўллари шалвиллаб, «ана холос!» деди.

Унинг хотини шундай қимматбаҳо ҳазина эдики, бундай матодан дунёда оз эмас. Эри сингари у ҳам сира уйда ўтирмас, эртадан-кечгача қўни-қўшниларникида, бадавлат кампирларникида юриб, овқатларини мақтаб-мақтаб, иштаҳа билан ер эди, эри билан фақат эрталаб уришарди, чунки гоҳ-гоҳда фақат эрталаб кўрмаса, бўлак вақтда уни сира кўрмас эди. Уйлари қишлоқ мирзасининг чолваридан икки ҳисса эскироқ, томларининг походи тушиб кетиб, уер-буери очилиб қолган эди. Гаврондан тўқилган четан девор аллақачон бузилиб, титилиб кетган, чунки ўтган-кетганлардан кимга ит ургани калтак керак бўлса, фалончининг девори бор-ку, деб уйдан калтак олмай, унинг деворидан суғуриб кетарди. Печкаси уч кунда бир ёқилар эди. Хотини сахийлардан нимаики тама қилиб сўраб олса, эридан яшириб, бурчак бурчакка тиқар ва лекин эри топганини дарров арақхонада йўқотиб келмаса, зўрлик қилиб қўлидан тортиб олар эди. Эри шунча вазминлиги билан ҳам хотинидан наст келишни хоҳламас ва аксари икки қовоғи кўкариб,

уйдан чиқиб кетар, кадрдон заифаси эса оҳ-воҳ қилиб, эрининг зулмидан, еган калтакларидан қўшни кампирларга ҳасрат қилгани жўнарди.

Бўзчи билан оғайнисининг қандай саросимага тушиб қолганларини ўзингиз тушунавERING. Қопни ерга қўйиб, иккови этаклари билан тўсиб олдилар. Бироқ, фурсат ўтди, чунки кампир гарчи кўзи хирароқ бўлса ҳам, қопга аллақачон кўзи тушган эди.

— Мана бу ишинг яхши! — деди хотин. Унинг авзоийи жўжага кўзи тушган калхатга ўхшарди. — Рамазон айтиб шунча овқат йиғдингизми, яхши одам ҳаммавақт шунақа бўлади, бироқ ўт-бетдан уриб келганмисизлар, деб ўйлайман. Қани, ҳозир менга кўрсатинг қопингизни, тез кўрсатинг дейман!

Эри керилиб туриб:

— Бошида бир туки қолмаган кал шайтон кўрсатмаса, биз кўрсатмаймиз, — деди.

— Бу нарсаларни рамазон айтиб топган биз, сени ишинг нима? — деди бўзчи.

Хотини новча эрининг иягига бир мушт уриб:

— Кўрсатмайсанми ҳали, вой яшамагур банги! — деб қопга човут солди.

Аммо эри билан бўзчи мардлик кўрсатиб, қопни бермасдан, уни чекинишга мажбур қилдилар. Лекин улар ўзларига келгунча бўлмай, кампир қўлида темир косов билан даҳлиздан югуриб чиқди ва кела солиб, эрининг қўлига, бўзчининг елкасига тушириб, қопнинг тепасига келиб, ўзиники қилиб олди.

— Нега уни қоп яқинига йўлатдинг? — деди бўзчи ҳушига келиб.

— И-е, мен йўлатдимми, нега сен йўлатдинг, ахир! — деди униси шалвайиб.

— Косовингиз темирга ўхшайди-я, — деди бўзчи бирпас жим тургандан кейин елкасини қаширкан. — Ут-

ган йил ярмарка бўлганда хотиним тангамирига бир косов олган экан, ёмон эмас... унча оғритмайди...

Зўр чиққан хотини қўлидаги қора чироқни ерга қўйиб, қопни ечиб қаради. Аммо қопни дарров кўрган хира кўзлари энди алданди.

— Эҳ-ҳа, бутун бошли тўнғиз-ку!— деди у суюнганидан чапак чалиб.

— Эшитдингми, бутун бошли тўнғиз экан! Қилдинг-қилдинг, сен қилдинг!— деди бўзчи шеригини туртиб.

— Нима ҳам қила олардик,— деди шериги.

— Бу нима деганинг? Нега қараб турибмиз? Қўлидан тортиб олайлик қопни, қани, бошла сен!

— Нариги тур, нари тур, сенинг ҳаққинг йўқ тўнғизда, бизники!— деди бўзчи яқин келиб.

— Нариги тур, шайтоннинг хотини! Нима ҳаққинг бор сени,— деди эри ҳам хотинига яқинроқ келиб.

Хотини яна темир косовга қўл узатган эди, шу пайт Чуб қопдан чиқиб, узоқ уйқудан турган кишидек даҳлизнинг ўртасида кериша бошлади.

Кампир икки қўлини сонига уриб, қичқириб юборди, ҳаммасининг оғзи очилиб, ҳайрон бўлиб қолишди.

— Нодон бўлмаса нега тўнғиз, дейди. Бу тўнғиз эмас!— деди эри кўзини ола-кула қилиб.

— Шундоқ одамни ҳам қопга тикадимми! Нима деса сангам, шайтоннинг иши, бошқа эмас, бўлмаса қандай қилиб дарчага сигади!— деди, қўрқиб кетган бўзчи ўзини орқага ташлаб. Униса бўлса, тикилиброқ қараганидан кейин: «э, оғайним-ку!» деб қичқириб юборди.

— Бўлмаса ким деб ўйлаб эдинг?— деди Чуб илжайиб.— Хўп майна қилдимми икковингни? Чўчқа, деб мени емоқчи эдингиз-а! Шошманглар, қопда яна бир нарса бор, тўнғиз бўлмаса ҳам, боласи тагимда ётиб фивир-фивир қилганди,— деди.



Бўзчи билан йўлдоши бирдан қопга ёпишди, хотин ҳам бирёқдан ёпишди. Қопдан чиқишдан бошқа чора йўқлигини билган мунши эмаклаб чиқмаганда, улар ўртасида яна талаш бошланар эди.

Хотиннинг ўтакаси ёрилгудай бўлиб, муншининг оёғидан ушлаб тортаётган жойида қўйиб юборди.

— Яна биттаси чиқди! — деб бақириб юборди бўзчи қўрққанидан. — Нима бало бўлди... Бошим айланиб қолди... Энди рамазон айтганларнинг қопига колбаса-ю, кулча ўрнига одам ташлайдиган бўлибдилар!

Ҳаммадан баттар таажжубда қолган Чуб, «Мунши-ку!» деди.

— Баракалла, Солоха! Қопга хўп тикқан экан... Нега уйи тўла қоп дедим-а... Энди билсам ҳар қопда икки-тадан одам бор экан, ёлғиз мен билан... деб ўйлаган эдим, баракалла, Солоха.

□

Қизлар қопнинг биттасини тополмай, ҳайрон бўлдилар. «Майли, шу биттаси ҳам бўлади», деди Оксана.

Ҳаммалари қопга ёпишиб чанага ортдилар.

Даъвоши қоп ичида ўтириб ўйлади: «Агар қопни ечиб, мени чиқаринглар деб қичқиргундай бўлсам, нодон қизлар, қопдаги шайтон экан, деб қочиб кетишади, эртагача кўчада қолиб кетаман, шунинг учун индамай жим ўтираверганим маъқул».

Қизлар бўлса қўл ушлашиб, ғарчиллама қорда чана-ни учирганча олиб кетдилар. Баъзилари шўхлик қилиб чанага ўтириб олдилар, даъвошининг тепасига миниб олувчилар ҳам бўлди. Даъвоши чурқ этмасдан бардош беришга қарор қилди. Алоҳа етиб келдилар, даҳлиз ва уйнинг эшигини ланг очиб, хахолашганча қопни судраб

кирдилар. Қизларнинг бариси қопни ечмоққа уриниб, «Нима бор экан, нима экан», деб чувиллашар эди.

Шу пайт, даъвошини боядан бери жуда қийнаб келатган ҳикичоқ билан йўтал шундай тутиб бердики, асло тўхтатолмасдан овозининг борича йўталиб юборди. Қизлар қўрқишиб, «одам ётибди», деб чинқиришганларича ташқарига қочиб кетдилар.

Чуб эшикдан кириб келаркан:

— Нима бало бўлди сизларга, жинни бўлдингларми? — деди.

— Вой, дада, қопда одам бор экан! — деди Оксана

— Қопда? Бу қопни қаердан олдинглар?

Ҳаммалари бирданига:

— Темирчи кўчага ташлаб кетди, — дейишди.

«Ана, ҳали айтмадимми», деб қўйди ичида Чуб.

— Нимага қўрқасизлар? Қани, қарайлик-чи. Ҳой одам, исмингни билмаймиз, хафа бўлмайсан, қани, чиқ қопдан!

Қопдан даъвоши чиқди.

Қизлар «вой ўлай!» деб чинқириб юборишди.

Чуб, даъвошининг бошидан оёғигача қараб, ичида: «Даъвоши ҳам шу йўлга кирган экан-да», деб ҳайрон бўлиб, «ана холос!.. Оббо!» деганича қолди.

Даъвоши ҳам Чубдан баттар хижолат бўлиб, нима дейишини билмас эди. Кейин бирпас туриб:

— Ташқарида ҳаво совуқми? — деб сўради Чубдан.

— Бир оз совуқ, — деб жавоб берди Чуб. — Сўрасам майлими, этигинга қора мой суртасанми, думба мойими?

Унинг муддаоси бошқа эди, нима бўлиб қопга тушдинг, деб сўрамоқчи эди, аммо нега бундай деганини ўзи ҳам билмай қолди.

— Қора мой суртган яхшироқ, — деди даъвоши, —

Чуб, хайр! — деб, тумоғини босдириб олиб уйдан чиқиб кетди.

Чуб, даъвоши чиқиб кетган эшикка қараб туриб;

— Этигини нима билан мойлашини нега сўрадим! — деди ўзича. — Баракалла, Солоха! Шундай одамни қопга тикқанингга қойилман!., Оббо шайтон хотин-э! Офарин-э! Мен аҳмоқ бўлсам... қани ҳалиги лаънати қоп?

— Анави бурчакка элтиб қўйдим. Ичида бошқа ҳеч нарса йўқ! — деди Оксана.

— Бекор айтибсан, ҳеч нарса йўғ-а! Қани, буёққа келтир. Яна биров бўлса керак! Яхшилаб қоқинглар... Хўш, йўқми?.. Ҳа, лаънати хотин! Кўриниши авлиёга ўхшайди, ўзини жуда покиза, покдоман тутади.

Лекин биз Чубни шу аччиқ ва алам устида қолдириб, энди темирчига келайлик, чунки соат тўққиз бўлай деб қолди шекилли.

Вакула осмонда жуда баландга чиқиб кетганидан ерга қараса ҳеч нарса кўринмайди; юрагига ваҳима тушди. Пашшадек бўлиб ойнанинг таггинасидан ўтиб кетди; агар бошини эгмаганида қалпоғи ойга илиниб қолар эди. Аммо бир оздан кейин сал ботирланиб, шайтон билан ҳазиллаша бошлади. Санобар ёғочдан қилинган хочни бўйнидан олиб унинг яқинига келтирса, шайтон аксириб, йўтали тутар эди. Жўрттага бошини қашимоқчи бўлиб қўлини кўтарса ҳам, шайтон чўқинтирмоқчи шекилли, деб яна баландроқ учар эди. Осмон чарақлаб, ҳаммаёқ ёруғ ва равшан эди. Кумушдек туман ичида ҳаво тиниқ, ҳамма нарса равшан кўринар эди. Ҳатто тувак ичига тушиб олиб, шамолдек учиб ўтиб кетган сеҳргарни ҳам кўрди; юлдузларнинг тўп бўлиб, кўз боғлаш ўйнаётганларини, бир томонда аллақанча арвоқлар гуж-гуж бўлиб пириллашиб учиб юрганини ҳам кўрди; ойнанинг олдида дингиллаб ўйнаб турган шайтон учиб кетаётган темирчини кўриб, шапкасини олиб салом бергани-

ни, ялмоғиз кампирни бирон ерга элтиб ташлаб, энди ўзи салт қайтиб келаётган супургини... хуллас яна бир талай бўлмағур нарсаларни кўрди. Нимаки йўлда учараса, бирпасда тўхтаб, тақачини томоша қилиб, кейин яна йўлга тушар эди. Темирчи учиб-учиб Петербурга етди. Шу кунни шаҳар, билмадим нима учун, чароғон экан. Шайтон йўлдаги говдан ўтгач, ерга тушиб арғумоқ отга айланди; темирчи қараса, шўх, чопоғон от устида кўчада кетяпти. Еширай! Тасур-тусур, тўпалон, дабдабаси оламни бузгундай. Кўчанинг икки томонида тўрт қаватли иморатлар. Отларнинг тасур-тусури, гилдиракларнинг овози тўрт томондан акс-садо берар эди. Уйлар тобора кўпайиб, худди ердан ўсиб чиқаётгандай кўринарди. Кўприклар лопиллайди, файтон аравалар гумбурлайди, извошчилар, кучерлар пўшт-пўштлаб қичқиришади. Ҳар тарафдан чопиб кетаётган минг-минг чаналар қорни тўзитиб, учириб ўтарди, пиёдалар қатор-қатор шамдон осилган деворлар тагига сиқилиб борур эдилар, уларнинг узун-узун тарнов бўйи соялари томга етар эди. Темирчи ҳар тарафга аланглар эди. Назарида жами уйлар чироғли кўзларини унга тикиб тургандек эди. Мовут пўстин кийган бойлар кўплигидан қайси бирига салом беришини билмай қолди. «Еширай! Бойлар мунча кўп экан бунда! — дерди ичида. — Пўстин кийганларнинг бариси суд аъзоси бўлса керак! Ойнавон араваларда ўтганлар шаҳар бошлиғи бўлмаса, ҳокимдир ёки ундан ҳам улуғдир». Шу пайт шайтон: «Тўппа-тўғри механиканикига бораверамизми?» — деб сўраб қолди. Темирчи ичида: «Йўғ-э, ваҳималик-ку! — деб қўйди. — Ўтган йил кузда Диканькадан ўтиб кетган запорожьеликлар шу ўртада бир жойга тушгандирлар. Юртларидан пошшога хат олиб келган эдилар; шулар билан маслаҳатлашсам яхши бўларди. Ҳой, шайтон, дарров чўнтагимга кир, мени запорожьелилар олдига олиб бор!» — де-

ди. Шайтон бир лаҳзада озиб, жинғарча бўлиб қолди ва бемалол унинг чўнтагига тушиб олди. Вакула ҳаш-паш дегунча улкан бир уйга етиб келди. Таваккал қилиб, ичкари кирди, зинадан чиқиб, эшикни очар-очмас, уйнинг дабдабасини кўриб ваҳимаси келиб, кетига тисланди. Лекин Диканькадан келган запорожьелилар қорамой суртилган этиклари билан шоҳи диванларда чордона қуриб, асил тамакилардан чекиб ўтирганларини кўриб юраги дадилроқ бўлди.

— Ассалому алайкум, улуғлар, худо ёр бўлсин, шундай жойда кўришдик! — деди темирчи пешанаси ерга теккунча энгашиб салом бериб.

Темирчининг худди олдигинасида ўтирган, ёнидагидан сўради:

— Ким у келган?

— Ҳали танимадингларми мени, темирчи Вакула бўламан! Кузда Диканькадан ўтганингизда, худо саломат қилсин, умрингиз узоқ бўлсин, омон бўлинглар, салкам икки кун қўнган эдингиз. Аравангизнинг олдинги гилдирагига темир қоқиб берган эдим, — деди.

— Ҳа, анави сурат солишга уста темирчими? Омонмисан, ҳамшаҳар, худойим нега сени бу томонларга келтирди? — деди боягиси.

— Ўзим томоша қилгим келди, дейдиларки...

Запорожьели ўзига оро бериб ва русча гаплашишни билганини кўрсатмоқчи бўлиб:

— Хўш, ҳамшаҳар, шаҳар катта эканми? — деди.

Темирчи шарманда бўлишни хоҳламади, шаҳарни энди кўрганини ҳам билдиргиси келмади. Бундан ташқари, ўзи ҳам сўзга чечан, саводи чиққан мулла эди, шунинг учун бамайлихотир:

— Донғи кетган музофот! Нимасини айтасиз, уйлар улкан, ҳаммасига басавлат суратлар осиглиқ, кўп уйлар-

га зар билан битилган. Нимасини айтмай, бағоят бежирим ва келишганки! — деди.

Запорожьелилар темирчининг гапга бундай чечанлигини кўриб, унга ҳурматлари ошди.

— Ҳамшаҳар, сен билан кейин бафуржа сўзлашамиз, ҳозир бизлар пошшо хонимнинг ҳузурига кетаётибмиз.

— Пошшо хонимнинг ҳузуригами! Улуғлар, марҳамат кўрсатиб, мени ҳам олиб боринглар!

Ростакам катта отга миндир, деб ялиниб турган тўрт яшар болага катта киши қандай муомала қилса, запорожьели ҳам унга шундай муомала қилиб:

— Сеними? У ерда сен нима қиласан, йўқ, бўлмайди! Биродар, бизларнинг пошшо билан гаплашадиган гапимиз бор, — деб гапини тугатди.

Темирчи: «Бирга оборинг!» деб ялинди. Кейин кисасига бир мушт уриб, шайтонга «сўра сен ҳам» деди. Буни айтар-айтмас, улардан бири «оғалар, обор а қолайлик!» деди.

— Бизларникига ўхшаган кийим кий.

Темирчи яшил чакмонни энди кияётган эди, эшик очилиб, олтин уқа тутган одам кириб, отланинлар, вақт бўлди, деди.

Рессорлик каттакон аравада тебраниб бораётганида, тўрт қаватли уйлар олдидан ўтаётганида, уйлар ва тош йўл ўзи юриб кетаётгандек кўринганда темирчи яна таажжубда қолди.

«Худоё тавба, шунча ҳам ёруғ бўладими, бизнинг қишлоқда кундузи ҳам бундай ёруғ бўлмайди!» дерди ичида.

Аравалар бир ажойиб сарой олдига келиб тўхтади. Ҳаммалари аравалардан тушиб, ҳашаматли бир хонага кирдилар, кейин кўзни қамаштиргудай ёруғ пиллапоядан юқорига чиқдилар.

Темирчи ўз-ўзига:

«Шунақа ҳам пиллапоя бўладими? Оёқ босгани кўзинг қиймайди. Ана зебу зийнат! Эртақларнинг бариси Ёлгон дейдилар! Ҳеч ёлгон эмас экан! Епирай, панжарага қаранглар, хўп ишлабди-да, битта темирнинг ўзидан эллик сўмлик кетган бўлса керак!» — дерди.

Запорожьелилар пиллапоядан чиқиб, энг олдиндаги катта хонага кирдилар. Темирчи паркет полда оёғи сирғаниб, улар кетидан зўрга-зўрга борар эди. Уч хонадан ўтдилар, лекин темирчи ҳали ҳам ҳайратда. Тўртинчи хонага кирганда бсиктиёр, деворда осиглиқ сурат тагига келди. Бу сурат кўлида Исо пайгамбарни кўтариб турган биби Марям эди. «Ажойиб сурат экан, хўп чиройли ясабди! Худди гапириб тургандек, тирикка ўхшайди-я! Азиз боласини қаранг, қўлларини сиқиб олибди, бола фақирнинг кулишини қаранг! Бўёқлари мунча ажойиб! Ё, бафармони худо, бўёғини қаранглар! Охра бўёқдан бир чақалик ҳам ишлатилмабди, нуқул локу ложивар. Тобланишини қаранг ложиварни! Ишига офарин-а! Таг сирига нуқул асил оқдан берган бўлса керак.— Эшик олдига келиб, қулфини тутиб кўраркан,— ва лекин бу сурат ҳар қанча ғалати бўлса ҳам, манави жез қабза ундан ҳам аломат экан, хўп тоза ишлабди-да! Немис темирчилари жуда қимматбаҳога ясаб бергандирлар, деб ўйлайман...» Агар зар уқа таққан малай келиб қўлтиғидан туртиб, кейинда қолманг, демаса, ҳали анчагача шу зайлда анқайиб тураверарди. Меҳмонлар яна икки хонадан ўтгач тўхтадилар. Шу ерда кутиб туриш буюрилган эди. Қийимига олтин тикилган бир неча генераллар тўдалашиб юрар эдилар. Запорожьедан келганлар энқайиб салом бергач, ҳаммалари бир ерга ғуж бўлиб турдилар. Бир лаҳзадан кейин хийлагина семиз, баланд бўйли, гетманча чакмон кийган, оёғида сариқ кўн этик, басавлат одам бирталай маҳрамлари



билан кириб келди. Сочлари тўзиган, бир кўзи сал ғилайроқ, улугсифат ва салобатли, амр-фармон қилиб ўрганиб қолгани ҳар бир ҳаракатидан кўриниб турибди. Зарвароқ кийимларда керилиб, савлат билан турган генераллар дарров дабдабадан тушиб, ҳаммаси унинг оғзидан бир сўз чиқар-чиқмас ёки сал имо қилгунча бўлмай таъзим билан дарров югуриб, унинг амрини бажо келтиришга ҳозир бўлиб, типирчилаб турар эдилар. Аммо гетман уларни ҳеч писанд қилмай, боши билан андак имо қилиб, запорожьелилар олдига келди. Запорожьелиларнинг ҳаммалари оёғига бош уриб салом бердилар.

Сал димоғида сўзлаб, салмоқ билан:

— Ҳаммангиз шундамисиз? — деб сўради гетман.

Улар яна энгашиб, қуллўқ қилиб: «Ҳовва!» дедилар.

— Эсингиздан чиқиб қолмайдими? Ўргатганимдай гапиринг-а!

— Йўқ, отамиз, эсимиздан чиқмайди!

Темирчи запорожьелиларнинг биридан «подшо шуми?» деб сўради.

— Шошма, подшо бу эмас, Потёмкин деган шу бўлади,— деди униси.

Нариги уйдан ғувур-ғувур овоз эшитилди. Этаги узун шойи кўйлак, орқасида бурмаси бор кимхоб камзул кийган аллақанча басавлат хотинларни кўриб, темирчининг кўзи жавдираб бесаранжом бўлиб қолди. Унинг кўзига фақат ялтироқ нарсаларгина кўринар эди. Запорожьелилар бирданига ерга йиқилиб:

— Онахонимиз, марҳамат қил! Марҳамат! — деб бақирди.

Темирчи ҳам кўзига ҳеч нарса кўринмай узала тушиб ётиб олди.

— Туринглар! — деди амирона, лекин ёқимли овоз.

Сарой аҳилларидан баъзилари типирчилаб, запорожьелиларни турткилаб қўйдилар.

— Онахонимиз, турмаймиз, ўлсак ҳам турмаймиз! — деб қичқиришди запорожьелилар.

Потёмкин лабларини тишлар эди, кейин алоҳа бўлмай ўзи улар тепасига келиб, бирови қулоғига шивирлади. Шундан кейин турдилар.

Темирчи ҳам жасоратга миниб бошини кўтариб қараса, ўрта бўйли, мовий кўз, уна суртган, тўладан келган бир хотин, ёлғиз маликаларга хос бўлган жозибали ширин табассум билан тепасида турибди.

Мовий кўзли хотин запорожьелиларни қизиқиш билан кўздан кечираркан:

— Онҳазрат, бугун, ҳалигача мен кўрмаган халқим билан таништирмақни ваъда қилган эдилар,— деди. Кейин уларга яна яқинроқ келиб:— Тузук қарашаптимиз сизларга? — деб сўради.

— Ҳа, онахонимиз, миннатдормиз! Хўрагимиз яхши (гарчи бу ернинг қўйи бизникича бўлмаса ҳам), нега хурсанд бўлмайлик?..

Потёмкин, запорожьелилар унинг ўргатганини гапирмай бўлакча гап бошлаганларини кўриб, юзини бужмайтирди...

Запорожьелилардан бири ўзига оро бериб, олдинроққа чиқди:

— Онахонимиз, марҳамат қил! Садоқатли халқингдан нима гуноҳ ўтдики, ғазаб қилдинг? Тоторнинг ҳаром қўлини тутдикми ёки бирор ишда бадбахт турк билан иттифоқлик қилдикми, феълимизда, дилимизда сенга бирон хиёнат қилдикми? Нега бизга ғазаб қилдинг! Аввал эшитдикки, бизнинг хилофимизга ҳар ерда қўрғонлар солишга амр қилибсан, кейин эшитдикки, бизларни итоат қилдириб, сипоҳлик хизматини ўтамоққа мажбур қилмоқчимизсан, энди яна янги нохуш гаплар эшитиб ту-

рибмиз. Запорожье сарбозларининг гуноҳи нима? Гуноҳи, қримлилар билан уруш қилган қўшинингни Перекопдан ўтказиб генералларингга ёрдам берганимизми?..

Потёмкин қўлидаги қатор-қатор узукларнинг бриллиант кўзини кичкина чўткачада тозалаш билан овора бўлгандек индамасдан турар эди.

Екатерина меҳрибонлик қилиб:

— Нима тилайсиз? — деб сўради.

Запорожьелилар нима деймиз дегандек бир-бирларига қараб олдилар.

Темирчи ичида, подшо, тилагингиз нима деб сўраяпти шекилли, вақт ғанимат, деган хаёл билан тўсатдан ўзини ерга ташлади.

— Улуғ шоҳимиз, бир қошиқ қонимдан кечгайсиз, гуноҳимни ўтгайсиз, шоҳона марҳаматингизни аяманг, ғазаб қилмай айтинг, оёғингиздаги кавушингиз қандай матодан тикилган? Бундай кавушни ҳеч бир косиб тиколмаса керак, ҳеч бир мамлакатда бундай кавуш бўлмагандир. Ё худо, менинг ҳам хотиним шундай кавушдан кийса нима қилармиш!

Малика кулиб юборди. Сарой аҳллари ҳам кулишди. Потёмкин бир хўмраяр, бир кулар эди. Запорожьелилар, темирчини жинни бўлиб қолди, деган хаёл билан уни турта бошладилар.

Малика илтифот билан:

— Тур! Муродинг меникидек кавуш бўлса, мушкулнинг осон, дарҳол келтиринг, энг қимматбаҳо зар кавушдан! Унинг бу соддалиги менга ниҳоятда ёқди!— деди. Сўнгра бошқалардан бир чеккароқда турган, рангпар юзи тўладан келган, катта-катта садаф тугмали камзили унинг саройга даҳлдор эмаслигини кўрсатиб турган кишига тикилиб туриб,— қаранг, сизнинг ўтқир қаламингизга лойиқ бир намуна! — деди.

Садаф тугмалик одам таъзим билан:

— Марҳаматли маликам, лутф ва карамингиз ҳаддан зиёда, бу ўринда лоақал Лафонтен лозимдир,— деди.

— Ростимни айтсам, «Бригадир»ингиз ҳали ҳам хаёлимдан кетмайди. Ажаб яхши ўқийсиз!— деди малика. Сўнгра яна запорожьелиларга боқиб: — Бироқ, сизнинг юртингизда уйланишмайди, деб эшитган эдим,— деди.

— Нега, онахонимиз, ўзинг хўп яхши биласанки, одамзод хотинсиз тириклик қилолмайди,— деди темирчи билан гаплашган ҳалиги одам. Темирчи унинг саводхонлар тилини яхши била туриб малика билан гаплашганда жўрттага мужик тили дейилган бундай дағал тилда гапирганини кўриб, ичида: «Муғамбирлар-э! Бундай қилиши бежиз бўлмаса керак!» деб қўйди.

Ҳалиги запорожьели:

— Бизлар тарки дунё қилганлардан эмасмиз, биз ҳам гуноҳкор бандаларданмиз. Исавиларнинг бариси сингари биз ҳам овқатларга ўчмиз. Орамизда уйланганлар кўп ва лекин улар сечада хотинлари билан турмайдилар. Хотинини Польшага ташлаб келганлар ҳам бор, Украинада хотини борлар ҳам бор, Турк юртида хотини борлар ҳам бор!— деди.

Шу орада темирчига кавуш келтирдилар. Темирчи уни маҳкам ушлаб олиб;

— Худоё тавба, мунча чиройли! Улуғ малика, муз отгани борганингизда ҳам оёғингизга шунақа кавуш кийиб борасизми, ажабо! Бундай кавуш киядиган оёқлар қандай экан, тоза қанддан бўлса керак дейман, — деди.

¹ Запорожьенинг одати бўйича у ерга хотин келтирганларга ўлим жазоси бериларди.

Оёқлари рисоладагидек чиройли ва росо бўлган малика, гарчи қорача бўлса ҳам либоси ўзига ярашганидан келишган дегудай соддадил темирчининг оғзидан бундай хушомадни эшитиб кулимсираб қўйди.

Маликанинг илтифотидан талтайиб кетган темирчи, пошшолар бол билан мойдан бошқа нарса емасликлари ростми, яна шунга ўхшаш алланималарни сўрамоқчи бўлиб туриб эди, запорожьелиларнинг биқинига туртаётганларини фаҳмлаб, индамай қўя қолди. Малика қарияларга боқиб, улардан юртларидаги расм-русумларни суриштириб, ҳол-аҳвол сўраб турганида, секин кетига чиганиб, чўнтагига энгашиброқ: «Дарров мени бу ердан олиб кет», дейиши биланоқ, ўзини ғовдан нарироқда кўрди.

□

Бўзчининг семиз хотини кўчанинг ўртасида бир тўп хотинни йиғиб олиб:

— Худо урсин, сувга чўкди, ёлғон бўлса турган жойимдан силжимамай ўлай! — деб жаврар эди.

— Ахир, мен ёлғон гапириб юрган хотинманми? Битта-яримтанинг сигир-пигирини ўғирладимми? Бировга кўзим тегдими, нега менга ишонмайсизлар? — деб бақирар эди, бурни кўк, казакча кўйлак кийган хотин қўлини пахса қилиб.— Темирчи ўзини осганини кампир Переперчиха ўз кўзи билан кўрмаган бўлса сув ичолмай ўлай!

Чубникидан чиқиб келаётган даъвоши, бу гапни эшитиб:

— Ана холос, темирчи ўзини осибди-я! — деди-да, можаро қилиб турганларга яқинроқ келди.

— Арақ ичолмай ўлай десангчи ундан кўра, қуриб кетгур банги! — деб жавоб қайтарди унга бўзчининг хо-

54

тини.— Сенга ўхшаган жинни бўлса ўзини-ўзи осар эди, сувга ташлади, музни ёриб сувга чўкди! Сенинг шу топда арақхонадан чиққанингни аниқ билсам, унинг сувга чўкканини ҳам шундай биламан.

Бурни кўкарган кампир аччиғланиб:

— Вой манжалақи, шарманда, топган гапини қаранг, ҳар куни кечқурун мунши сеникига кириб юрганини билмайди, деб ўйлайсанми?— деди.

Бўзчининг хотини тутақиб кетди.

— Муншинг нимаси? Кимникига киради? Ёлғончи!

Кўк хитойи мато билан сирма қилиб қуён терисидан тикилган пўстин кийган муншининг хотини можаролашиб турганлар тепасига бориб:

→ Мунши?— деди чўзиб.— Мунши билан бўлган жазосини ейди, ким айтди?

Бурни кўкарган хотин бўзчининг хотинига ишора қилиб:

— Мунши анавиникига кириб-чиқиб юради!— деди.

Муншининг хотини бўзчининг хотини тепасига ўдагайлаб бориб:

— Сен мочағарми ҳали унга иссиқ-совуқ ичириб, бошини гангитиб юрган! — деди.

Бўзчи хотини орқасига тисарилиб:

— Малъун, нари тур-э! Нариги тур-э,— дерди.

— Ҳа, лаънати ялмоғиз, боланг ўлсин илойим, қуриб кетгур, туф башарангга...— муншининг хотини бўзчи хотинининг кўзига туфурди.

Бўзчининг хотини ҳам унинг башарасига туфурмоқчи эди-ю, бироқ, можарони тузукроқ эшитай деб хотинларга яқинроқ келиб турган даъвошининг тарашланган бошига туфуриб юборди. Даъвоши этаги билан башарасини артаркан: «Ҳа, мочағар», деб қамчисини кўтариб дағдаға қилиб эди, хотинларнинг бариси ҳар тарафга тўзиб қочдилар. Даъвоши афт-башарасини артар-

55

кан, сўкинишини қўймай: «Ҳа, ифлос палид!» дер эди яланг.

— Шундай қилиб, темирчи сувга чўкибди-да, худоё товба! Хўп уста сураткаш эди-я! Қандай пишиқ пичоқлар, ўроқлар, омовлар ясарди! Жуда кучли азамат эди-я, ҳа, — деб қўйди, сўнгра бирпас ўйланқираб тургандан кейин, — қишлоғимизда ундай одам кам. Қоп ичида ўтирганимдаёқ фаҳмлаган эдим-а, бечоранинг авзои ёмон эди. Ана холос! Кеча бор эди, бугун йўқ! Тарғил байталимини тақалатмоқчи эдим-а! — Даъвоши бундай хаёлларга чўмганича аста-аста уйига етиб келди.

Оксана бу хабарни эшитиб ичидан куйди. Переперчининг ўз кўзим билан кўрдим, деганига, хотинларнинг пойма-пой гапларига унча ишонмас эди, темирчининг хийла тақводор одам бўлиб, ўз жонига ўзи қасд қилишига ҳам ишонмас эди. Лекин қишлоққа сира қайтиб келмайдиган бўлиб, бош олиб чиқиб кетган бўлса нима қилади? Темирчидек азаматнинг топилиши қийин. У қизни жуда яхши кўрарди! Ҳеч ким чидолмаган эркаликларини фақат у кўтариб келаётиб эди-ку. Гўзал қиз туни билан бетоқат бўлиб, ўрнида тинч ётолмай уёқдан-буёққа ағанаб, тонг отгунча сира ухламади. Гоҳ тун қоронғисида ўзига-ўзи дакки бериб тўлганар, гоҳ ором олиб, ҳеч ўйламай дер эди-ю, аммо хаёлидан йигит кетмасди. Кечаси билан куйиб-ўртаниб, эрталабгача темирчининг мафтунни бўлди.

Темирчининг тақдирига Чуб хафа ҳам, хурсанд ҳам бўлмади. Унинг фикри ёлғиз бир нарса билан банд: Солоханинг бевафолигини ҳеч унутолмади, уйқуга ётиб ҳам уни сўкар эди.

Тонг отди. Одамлар эрта саҳардан бутхонага келиша берди. Дока рўмол ўраган, оқ мовут камзул кийган диндор кекса хотинлар бутхона эшигидан кирар-кирмақ

чўқинишарди. Кўк ва сариқ нимча, орқасида попукли зар тўн кийган бойвучча хотинлар ҳаммадан олдинда турардилар. Бошига аллақанча ранг-баранг лента боғлаб олган, бўйни тўла маржон, бут ва тангалар тақиб олган қизлар меҳробга яқинроқ бориб олишга ҳаракат қилардилар. Аммо ҳаммадан олдинда мўйловдор, кокил қўйган, бўйни йўғон, ияги тарашланган, аксариси тагидан оқ, баъзида кўк камзули чиқиб турган, чакмон кийган бою камбағаллар аралаш турардилар. Қаёққа қарасанг байрам кайфияти. Даъвоши рўзасини колбаса билан очмоқ хаёлида тамшанар эди. Қизлар йигитларга қўшилиб, музда учамиз деб суюнар эдилар, кампирлар дуо-фотиҳани бугун астойдилроқ ўқир эдилар. Қазак Свербугуз бош эгиб сажда қилганда бутхонадагиларнинг ҳаммасига эшитилар, ёлғиз Оксана ўздан беҳабардек паришон ҳолда турар эди. Намоз ўқияптими, йўқми, маълум эмас. Биридан-бири аламли, биридан-бири ғамгин туйғулар кўнглига ғам солар, қайғуси шунчалик ошган эдики, чеҳрасида ғаму ҳасратдан ўзга ҳеч нарса кўринмас эди. Кўзига жиқ-жиқ ёш тўлди. Қизлар унинг бу ҳолига сабаб нималигини асло тушунолмадилар, сабаб темирчи экани уларнинг хаёлига ҳам келмади. Аммо хаёли темирчи билан банд бўлган ёлғиз Оксана эмасди. Қишлоқ аҳилларининг бариси назарида байрам байрамга ўхшамас, бир нарса етмагандай эди. Аксига олиб, мунши ҳам қопга тушгандан бери хириллаб қолиб, дуони бўғилиб зўрға ўқир эди. қалъадан келган ҳофиз яхши ўқиса ҳам, темирчининг йўқлиги билиниб турарди, чунки ибодат вақтида: «Э, бор худоё»ни ёки «гулмонлар билан»ни ўқиганда темирчи ҳам ҳофизлар ёнига чиқиб, полтавачасига ҳофизлик қилиб кетар эди. Бундан ташқари, темирчидан бошқа ҳеч ким бутхонага мутаваллилик қилмас эди. Эр-

талабки ибодат ўтди, пешингиси ҳам ўтди, лекин темирчи қаёққа йўқолдийкин?

□

Шайтон аввалгидан ҳам қаттиқроқ жадалига олиб биз зумда темирчини уйига олиб келди. Темирчи қараса, уйининг олдида турибди. Худди шу пайтда хўроз қичқирди. Шайтон қутулдим, деб севиниб кетмоқчи бўлган эди, темирчи унинг думидан тутиб: «Қаёққа борасан? Шошма, биродар, ҳали ишинг битгани йўқ, хизматинг муздини берганим йўқ», деб қўлига гаврон олиб уч марта боплаб урди. Бечора шайтон, маслаҳатчининг даррасини еган камбағалдек жуфтакни уриб қолди. Шундай қилиб, одамизоднинг душмани васваса қилиб, бировни йўлдан оздираман, деб ўзи таъзирини еди. Кейин Вакула оғилхонага кириб, тушгача пичан ичида ухлади. Уйғонгач, офтобнинг анча кўтарилиб қолганини кўриб, эрталабки намозни ҳам, тушкисини ҳам ўтказиб юборибман, деб капалаги учиб кетди; намозхон темирчи, ўз жонимга ўзим қасд қилиб, имонимни сотмоқчи бўлганимга худонинг қаҳри келиб, мени гафлат босдирибди, бундай улуғ-айём кунларда бутхонага боролмапман, деб кўнгли анча хира бўлди. Аммо келаси ҳафтадаёқ поп қошига бориб, гуноҳимни айтиб товба қилай, бугундан бошлаб йил бўйи ҳар куни эллик мартадан сажда қилай, деган ниятни қилиб уйига кирди; уйда ҳеч ким йўқ. Солоха ҳали қайтиб келмабди шекилли, Кавушни секин авайлаб қўйнидан олди, қосибига қойил қолиб, яна бир марта томоша қилди, сўнгра ўтган кечаси кўрган ажойиботларига хўп таажжубланди. Кейин ювинди, запорожьелилардан олган тўнини кийиб

ясаниб олди. Полтавага борганда олган бўлса ҳам ҳалигача сира киймаган тепаси кўк барра телпагини ҳам сандиқдан олди. Ранг-баранг янги белбоғини ҳам олди: буларнинг ҳаммасини тугиб, битта қамчинни ҳам қўшиб, тўппа-тўғри Чубникига жўнади.

Темирчини кўриб Чубнинг кўзи косасидан чиққудай бўлди. Темирчининг тирилик келганигами, унинг юрак ютиб уникига келганигами, ёки бундай ясениб запорожьелик олифта бўлиб келганигами, қайсинисига ажабланишини билмай ҳайрон бўлиб қолди. Лекин темирчи Вакула тугунни ечиб, охори тушмаган, оламда мисли йўқ янги телпак билан белбоғни Чуб олдига қўйиб, оёғига йиқилганда ва:

— Отам, раҳминг келсин! Мендан хафа бўлма! Мана қамчин, оёғингга йиқилдим, хоҳлаганингча ур, тавба қилдим, ур, хафа бўлмасанг бўлгани! Марҳум отам билан дўст эдинг ахир, нон-қатиқ эдингиз, ширинкомани ҳам бирга ичардингиз,— деб ялинганда Чубнинг таажжуби яна ошди.

Қишлоқда ҳеч кимга бўйин эгмаган, ҳеч кимни писанд қилмаган ва бир мирилик чақани қўли билан бемалол буккан, шундай темирчи оёғига келиб йиқилганига ичида хурсанд бўлди. Чуб обрўсини туширмаслик учун қамчинни олиб, унинг елкасига уч марта урди.

— Бўлди, тур! Кексалар сўзини тингла! Уртамиздаги ёмон-яхши гапларни ташлайлик! Қани, гапир, муронинг нима? — деди.

— Отам, Оксанани менга бер!

Чуб андак ўйланқираб тургач, телпак билан белбоққа кўз ташлаб қўйди: телпак ниҳоятда яхши, белбоғ ҳам ундан қолишмас эди. Солоханинг бевафолиги эсига тушиб кетиб:

— Маъқул! Совчингни юбор! — деб юборди.

Оксана уйнинг остонасига қадам қўйиши билан те-

мирчини кўриб, «вой!» деганча ҳайрон бўлиб, суюнганидан унга тикилганича қолди.

— Кўр-чи, қандай кавуш келтирдим сенга! Маликанинг оёғидаги кавушдан! — деди Вакула.

Оксана кўзини ундан олмай, қўлларини силтаб.

— Йўқ, йўқ, керакмас, кавуш келтирмасанг ҳам мен... — Оксана сўзининг уёғини айтолмасдан қизариб кетди.

Темирчи унга яқинроқ келиб, қўлидан тутди. Барно қиз кўзини олиб қочиб ерга қаради. Қиз асло шу топдагидек гўзал кўринмаганди. Шавқи ошиб шодланган темирчи унинг юзидан секин ўпган эди, юзи қизариб, ҳусни яна ошди.

□


Марҳум архиерей бир куни Диканька қишлоғидан ўтиб бораётганида бу ерни мақтаб, бир кўчада янги солинган уй олдига келиб тўхтади. Ҳазратлари, эшик олдида қўлида боласи билан турган чиройли хотиндан:

— Бундай ажойиб сирланган уй кимники? — деб сўрадилар. Эшик олдида турган хотин, таъзим билан:

— Темирчи Вакуланики! — деди.

Хотин Оксананинг ўзи эди. Ҳазратлари уйнинг эшик ва дарчаларини томоша қиларкан:

— Хўп яхши ишланибдир, яхши! — деб қўйдилар. Деразаларнинг тўрт томони қизил бўёқ билан бўялган, эшикларда оғзида чилими билан от миниб турган казакларнинг сурати солинган эди. Аммо ҳазратлари Вакуланинг товбасини бузмай текинга бутхонанинг чап томонига кўк бўёқ устига қизил билан гул солиб бўяб берганини эшитиб яна ҳам алқадилар. Бундан ташқари, бутхонага кираверишда чап томондаги деворга, шайтон малъуннинг дўзахда ёнаётган суратини солиб қўйди;



шайтон баччағарни шундай хунук-бадном қилиб солдики, кимки ўтса туфуриб ўтар эди; хотинлар бўлса болалари йиғлай берса сурат олдига олиб келиб: «Анавини қара, мунча тасқара-я!» дердилар. Болалар ҳам дарров кўз ёшларини артиб, суратга бир қингайиб қарардилар-да, оналарининг бағрига ёпишиб олардилар.

1832.

Г 61

Гоголь Н. В.

Рождество арафасидаги тун. Т. Ёш
гвардия, 1980. 64 б.

Гоголь Н. В. Ночь перед рождеством
ББК 84Р1

На узбекском языке

Н. В. Гоголь

НОЧЬ ПЕРЕД РОЖДЕСТВОМ

Издательство «Ёш гвардия» —
Ташкент — 1980

Редактор С Сайдалиева
Рассом А. Сухарев
Расмлар редактори А. Фуломов
Техн. редактор Л. Буркина
Корректор С. Сайдалимов

ИБ № 690

Босмахонага берилди 4.04.1980 й. Босишга
рухсат этилди 8.09.1980 й. Формати
84×108¹/₃₂. 1-босма қоғозга «литератур-
ная» гарнитурда юқори босма усулида
босилди. Босма листи 2,0. Шартли босма
листи 3,36. Нашр листи 2,96. Тиражи 60000.
Буюртма 3402. Шартнома 158—79. Баҳо-
си 25 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти. Тошкент. Навоий
кўчаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети наш-
риётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли
босмахонаси. «Правда Востока» кўчаси, 26.

70301—103
Г 356 (04) —80 139—80 4702101000